ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 14 май 1996 йил, сешанба • № 38 (285)

ЙЎЛЛАР ВА ДИЛЛАР ТУТАШГАН ЖОЙДА

Машҳад шаҳри, 13 май, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Жаҳон» Ахборот агентлиги мухбири Насриддин Муҳаммадиев хабар қилади:

Кеча кечқурун Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Машҳад — Сарахс — Тажан темир йўлининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳрига келди.

Машҳад аэропортида Узбекистон раҳбарини Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳга — куни кеча ишга тушган замонавий «Хумо» меҳмонхонасига йўл олди. Узбекистон раҳбарининг сафарига Республика Бош Вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков, Бош Вазир ўринбосари Р. Юнусов, Ташқи ишлар вазири А. Комилов, «Узбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси раиси Н. Эрметов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Энди икки оғиз Машҳад шаҳри ва ишга тушадиган янги йўл ҳақида. Машҳад Эроннинг энг йирик — Хуросон вилояти маркази. Бу қадимий шаҳар асрлар давомида Узбекистон ва Марказий Осиё билан узвий алоқада бўлган. Айниқса, Амир Темур Кўрагон, Шоҳруҳ Мирзо, Хусайин Бойқаро ҳукмронлик қилган йилларда бу шаҳар йирик маданий ва иқтисодий марказга айланган. Шаҳарда ўнлаб масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар барпо этилган. Бу ишларга буюк бобомиз Алишер Навоий ҳам катта ҳисса қўшган. Шаҳар кўчаларидан бири Амир Алишер Навоий номи билан аталаётганлиги қалбимизни ифтихор туйғуларига тўлдирди. Шоҳруҳ Мирзонинг рафиқаси, Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим қурдирган улуғвор мадраса ҳамон шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Мадраса ва унинг ёнида қад кўтарган Имом Ризо мақбараси ҳамиша зиёратчилар билан гавжум.

Шуролар иттифоқи даврида чегараларга «темир қулф» урилгач, бошқа ҳудудлар сингари Хуросон вилояти билан ҳам алоқалар узилиб қолган эди. Истиқлол шарофати туфайли, қадимий карвон йўллари қайта тикланмоқда. Туркманистон, қолаверса Марказий Осиё республикалари билан Эрон темир йўлларини туташтирадиган Машҳад — Сарахс — Тажан йўлининг ишга туширилиши бунинг ёрқин мисолидир. 295 километрлик янги йўлнинг очилиши билан Марказий Осиё мамлакатлари Форс қўрфазига чиқадиган энг яқин йўлга эга буладилар. Айни пайтда у Стамбул — Пекин трансосиё темир йўлининг таркибий қисми бўлиб қолади. Натижада Ғарбий ва Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги юк ташиш муддатлари бир ҳафтага қисқаради.

Айрим Осиё мамлакатларида Ғарбий ва Европага боришқ йўли эса 10-15 минг километрга камаяди.

Шу сабабли бу воқеага Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам қизиқиш катта. Йўлнинг очилиш тантаналарида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо бўлган Эрон, Покистон, Туркия, Озарбайжон, Афғонистон ва Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари ҳамда ўнлаб давлатлардан таклиф этилган расмий ҳайъатлар иштирок этмоқда.

Кеча Ислом Каримов ўз қароргоҳида Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашди. Унда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳамда имзоланиши мўлжалланаётган тўрт томонлама шартнома хусусида фикрлашиб олинди. Маълумки, Озарбайжон, Грузия, Туркманистон ва Узбекистон ўртасида имзоланадиган бу шартномада Қора денгиз портларига борадиган янги транспорт йўлини очиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Бугун тантаналар Машҳад шаҳри, темир йўл вокзалидан бошланди. Бу ерда янги йўл шарафига бағишланган ёдгорлик тахтасининг очилиш маросими бўлди. Маросим якунида биринчи поезд янги изларда сафарга чиқарилди.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва тантаналарда иштирок этаётган бошқа давлат бошлиқлари махсус самолётда Эроннинг Сарахс шаҳрига жўнаб кетдилар.

ТАДБИРКОР «ОЛМА ПИШ» ДЕМАЙДИ!

«Ишонч» газетасида босилган «Буюртмачи ва деҳқон манфаати» сарлавҳали мақолани ўқиб чиқдим. Унда хўжаликларда тузилаётган контрактация шартномалари ҳақида ҳаққоний фикрлар билдирилган. Дарҳақиқат, жойларда расмийлаштирилаётган шартномалар ижросида кўпгина камчиликлар мавжуд. Иқтисодчи ва қолаверса, узоқ йиллик «ер фарзанди» бўлганим учун бу хусусда менинг ҳам шахсий мулоҳазам бор.

Аввало, ушбу ҳужжатларда «шартнома матни келишилган ҳолда тузилган» деган ёзув албатта қайд этилган бўлиши керак. Шунда шартнома ҳар икки томон учун ҳам тенг эканлиги англанади. Бундан ташқари буюртмачилар ўз ҳисоб рақамида бир сўм пули бўлмаса-да, деҳқон билан шартнома тузаверадилар. Аслида, маблағи бор ташкилот ўз имкониятидан келиб чиқиб, шартнома тузиши лозим. Деҳқон ўз шеригининг молиявий-иқтисодий аҳволидан тўлиқ хабардор бўлиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, «қоронғуликка тош отгани» билан деҳқон ютмайди.

Мақолада «маҳсулот пишиб етилгач, бозор ўрганилади ва томонлар «келишув баённомаси»ни тузишади», дейилган. Ушбу жумлада ҳам кўпроқ буюртмачи манфаати ифодаланган. Чунки маҳсулот ғарқ пишган паллада бозорда энг арзон нарх ҳукмрон бўлади. Қарабсизки, маҳсулот етиштириш учун не машаққатлар чеккан меҳнаткаш яна ўз кучқувватидан рағбат топмайди. Бундан ташқари буюртмачи, қабул қилинган маҳсулоти учун хўжаликларга уч кун ичида пул ўтказиб бериши керак. Низомда кўрсатилишича, кечиккан ҳар бир кун учун 0,1 фоиз жарима тўлаш жоиздир. 1995 йилги шартнома матнларида шу фоиз ифода этилмаганлиги ҳам масалалар моҳиятини чалкаштириб, контрактация шартномаларининг нуфузини тушириб юборди. Маълумки, хўжалик ташкилотлардан дебитор қарз бўлса, кечиккан ҳар кунига банк орқали 0,7 фоиз жарима ундириб бериши белгиланган. Шу фоизни буюртмачи қабул қилиб олган маҳсулот учун кечикиб тўлаган ҳар кунига жарима солиш нега мумкин эмас?

Контрактация шартномаларини тузиш ҳақида гап кетар экан, бу борада ғалла етиштирувчининг манфаати қай даражада ҳимоя қилинган, деган савол ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Ўтган йили бу соҳада анча камчиликлар юз берди. Хўжаликлар галланинг ҳар килосини 1,5-2 сўмдан сотишди. Ваҳоланки, ғалла қабул пунктида улар бироз тозалангач, хўжаликларнинг ўзига ҳар килоси учун 15-18 сўмдан сотилди. Бу деҳқонга, унинг меҳнатига муносабат яхши эмаслигини, ҳали улар манфаати ҳимоя этилмаётганлигини кўрсатади. Галлакорларга бунак (аванс) беришда 1995 йилги хатолар бу йил ҳам такрорланаяпти. Хусусан, шартномада кўрсатилган ҳар килограмм галла учун 3 сўмдан ҳақ тўланди. Аслида 1996 йилги 40 фоизли аванс ҳамда нарх Президентимиз Фармонига кўра ғалла жаҳон бозоридаги нархнинг 70 фоизи миқдоридан келиб чиқиб белгиланиши лозим эди.

Бизда буюртмачи билан деҳқон ўртасидаги контрактация ва шартномалар эркин, келишилган вазиятда тузилиши керак. Бинобарин, деҳқон, фермер, барча хўжалик раҳбарлари туман марказларида туриб, ҳеч нарсани кўрмасдан, буюртмачи билан контрактация шартномаларини тузадилар. Марказлашган ҳолда, туман ҳокимликлари кўрсатмаси асосида буюртмачи ва деҳқон ўртасида тузилган бундай шартномалар деҳқон манфаатига мос, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ ҳимояга олинган деб айтаолмаймиз. Ваҳоланки, бу ҳужжатларда ҳар бир алоҳида шахснинг истиқболдаги манфаатлари ўз аксини топган бўлиши шарт. Хуллас, чоп этилган мақола ўқувчиларни бахс-муназарага чорлайди. Мен ҳам ўз таклифларимни айтар эканман, мақолада таъкидланганидек, контрактация шартномалари кузда-октябрь, ноябрь ойларидаёқ тузилиши, авансlар ҳам шу пайтдан бошлаб ажратилишини қонуний зарурият деб биламан. Зеро, бугунги кун деҳқонлари «олма пиш, оғзимга туш» қабилидаги танбал қайфиятда эмас, балки ўз мақсад ва манфаатларини аниқ белгилаб олган тадбиркор бўлишлари шартдир.

Бутунбой БЕРДИМУРОДОВ,
иқтисодчи.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

МДҲ мамлакатларида

Россия Президентлигига номзод Григорий Явлинский ўз сайловолди дастурини эълон қилиб, Олий ҳокимият раҳбари лавозими учун пойгада қатнашиш нияти борлигини тасдиқлади. У Б.Ельцин фойдасига даъвогарлар рўйхатидан ўз номзодини олиб қўйишдан бош тортди. Бундай қилиш мақсад ва режаларига тўғри келмаслигини таъкидлади у.

Шундай қилиб, Россияда Президентликка даъвогарларнинг сайловолди курашлари ҳал қилувчи босқичга кирмоқда.

* * *

Чеченистонда Россия қўшинлари республика пойтахти хавфсизлигини таъминлаш учун чоралар кўришни кучайтирдилар. Ғарб журналистларининг таъкидлашича, Президент Б.Ельциннинг эҳтимол қилинаётган Чеченистонга ташрифи муносабати билан шундай чоралар амалга оширилятти. Жумладан, махсус вазифали милиция отрядлари (Омончилар) Чеченистон пойтахтини кеча-кундуз қўриқламоқдалар. Б.Ельциннинг таъкидлашича, у яқин кунларда бу ерда бўлиши керак.

Россия Президентининг режасига кўра Федерал қўшинлар бир томонлама ўт очишни тухтатишлари назарда тутилганига қарамай, Чеченистоннинг бир қанча ҳудудларида жанговар ҳаракатлар давом этяпти. «Интерфакс» хабарига кўра, Россия қўшинлари шанба куни республика ғарбидаги Бамут аҳоли пунктига ҳаво ҳужумини қайта бошлашган. Бунга қарши чечен айирмачилари якшанба куни Россия ҳарбий колоннасига ҳужум билан жавоб бердилар.

* * *

Россия ва Ғарб матбуот агентликлари тожик мухолифоти манбаларига асосланиб хабар қилишича, ҳукумат қўшинлари билан жангарилар ўртасида тўрт кундан бери жанглар давом этяпти. Жангарилар республика шарқида бир қанча қишлоқларни ишғол қилганлар. Бу хабарни Тожикистон расмий доиралари эътироф этганлари йўқ.

* * *

Грузияда бир йил илгари Президент Э.Шеварднадзега уюштирилган суиқасд ташкилотчилари деб ҳисобланганлар устидан тергов ва суд жараёнлари сиқуви тобора кучаймоқда. Шу йил 1 майда хавфсизлик вазирлигининг собиқ отряд командири А.Квитерелли хонликда айбланди. У 8 ойдан бери қамоқда ноҳақ ушлаб турилганига норозилик белгиси сифатида очлик эълон қилди. Маълум суиқасддан кейин қидирувда бўлган И.Георгадзе раҳбарлигидаги хавфсизлик вазирлигининг бошқа бўлинмаси тарқатиб юборилган.

* * *

Молдова парламенти Президент Мирче Снегур мактубини муҳокама қилди. Парламентда даҳанаки «жанглар» авжга чиқди. Чунки Президент олдиндан, агар бу сафар ҳам депутатлар уни тушунишмаса - тўғридан-тўғри халққа мурожаат қилишини таъкидлаганди. Бир қанча муҳолифотдаги депутатлар фракциялари Президентни ёқлаб чиқиб, ҳукуматни тарқатиб юборишни талаб қилдилар. Парламент раиси Петр Лучинский рўй бераётган кескин тарафкашлик фонида сўзга чиқиб, мамлакат олий раҳбарлари ҳамкорликда ишлашга маҳкум этилганлар деб таъкидлади. Парламент қарори ўрта йўл тутиб, икки томонни яраштириш оҳангларига кўпроқ эътибор берилди.

Хорижда

Ҳиндистондаги парламент сайловларида мағлубиятга учраган Ҳиндистон Миллий конгресси партияси дунёвий ҳукуматни тузиш ҳаракатини қўллаб-қувватлашга розилик билдирди. Сўнгги сайловларда каттагина ғалабага эришган миллатчи-ҳиндиларни ҳукуматга яқинлаштирмаслик мақсадида Ҳиндистон Миллий Конгресси шундай қарорга келган. Сўл фронт иттифоқининг шу ҳақдаги таклифидан кейин Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси баёнот билан чиқди. Сўл фронт сўл дунёвий кучлар альянси ва паст табақалар партияси вакилларидан ташкил топган.

Истеъфога чиқаётган бош вазир Наросимха Рао Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясининг Президенти бўлиб қолади. Миллатчи-ҳиндлардан тортиб бирон партия парламентда кўпчилик ўринни ололмади. Деҳлида экспертлар, янги ҳукуматни ким тузиши ҳақидаги қарор сешанба куни, яъни бугун қабул қилинишини тахмин қилмоқдалар.

* * *

Германия канцлери Г.Колл аҳолига мурожаат қилиб, давлат харажатларини 16,5 млрд. долларга қисқартириш режасини қўллаб-қувватлашга даъват этди. «Вельт амзолтаг» газетасига берган интервьюсида Г.Колл бюджет харажатларини қисқартириш Германия истиқболини таъминловчи бирдан-бир йўлдир, деб таъкидлаган. Айни пайтда касаба уюшма раҳбарлари канцлер режасига ишчилар маошини қисқартириш ва меҳнаткашлар ҳуқуқларини камситишга интилиш деб қарамоқдалар. Улар ташаббуси билан 25 минга яқин немис ишчилари қисқа норозилик намойишини утказдилар.

* * *

Чехияда ўтаётган янги Атлантика ташаббуси конференцияси иштирокчилари НАТОни Шарққа томон зудлик билан кенгайтиришга даъват этдилар. Бу учрашувда 300 дан ортиқ сиёсатчи, тадбиркор, бизнесменлар Россиянинг қаршилигига қарамай Шимолий Атлантика альянсини кенгайтиришни таклиф қилиб чиқишди. Улар орасида Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири М.Тетчер хоним ҳам бор эди. Улар Европа ва Шимолий Американи бирлаштирувчи энг озод иттифоқни тузишнинг аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлашди.

* * *

Июнь ойида бошланадиган Исроил-Фаластин тинч музокаралари олдидан якшанба куни Қоҳирада Миср Президенти Ҳусни Муборак, Иордания қироли Ҳусайн ва Фаластин мухторияти раҳбари Ясир Арафатларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Фаластин-Исроил тинч музокараларининг сунгги-энг кескин, финал босқичида арабларни якдилликка даъват этиб келаётган Х.Муборак шу учрашув ташаббускори бўлди. Олий даражадаги учрашув охирида уччала раҳбар журналистларга музокаралар июннинг биринчи ҳафтасида Иорданияда давом эттирилишини маълум қилишди. 29 майда Исроилда утказиладиган сайловлар ҳокимият тепасига ўнг кучларни келтириб қўйиши ва бу тинч музокаралар якуний босқичини мураккаблаштириб юбориши мумкинлиги шундай қарорга асос бўлган.

* * *

Либериядан чиққан ва қочоқлар билан тўла кемада бир киши вафот этган. Уч-тўрт минг қочоқни ўз бағрига олган кема ҳозир Африка ҳарбий қирғоқларида вақтинча бошлана топиш учун порт излаётган эди. «Шифокорлар- тинчлик йўлида» халқаро ташкилоти вакиллари кемадаги аёллар ва болаларга шошилинч тиббий ёрдам, озиқ-овқат ва ичимлик сув кераклигини айтмоқдалар. Шифокорлар кемада улат касали тарқалишидан хафсирашмоқда.

Дания ҳукумати Либериялиқ қочоқлар минган кеманинг Такираде портида қўнолга қилишига рухсат берган.

ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

«АРДУС»ГА МАРҲАМАТ

Тошкент шаҳрининг нақ марказида, машҳур «Зарафшон» ресторани мажмуининг биринчи қаватида янги «Ардус» супермаркети очилди. Узбек-Америка-Ирландия қўшма корхонаси «Ардус» томонидан ташкил этилган мазкур супермаркет якшанба куни илк харидорларни кутиб олди. Супермаркет заллари безакларининг ўзига хослиги ва харидорга таклиф этилаётган маҳсулотларининг хилма-хиллиги билан кишилар диққатини тортмоқда. Бу ерда АҚШ, Австралия ва қатор Европа мамлакатлари фирмаларидан келтирилган 5 мингдан зиёд номдаги маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб туради.

«Зарафшон» ресторани мажмуининг акцияларидан 65 фоизини сотиб олган «Ардус» қўшма корхонаси унга янги ҳаёт бахш этди. Тез орада бу ерда янги ресторан, диско-шоу, гузаллик ва саломатлик салони, модалар маркази очилиши режалаштирилган. Мазкур супермаркет қўшма корхонанинг биринчи иншооти эмас. Олой бозори яқинида «Ардус»нинг бизнес маркази муваффақиятли ишлаб турибди.

Т.ТУРСУНОВ.

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНАЛАР

Жиззах қурилиш ашёлари комбинати маҳсулот етишмаслиги натижасида кам қувват билан ишлаётган эди. Корхона жамоаси комбинат ишлаб чиқариш қувватини ошириш, керакли дурадгорлик материалларини Россиядан келтириш мақсадида Иркутск шаҳрида қўшма корхона ташкил этди. Ушбу қўшма корхона таъсисчиси жиззахликлар бўлдилар. Улар корхонани маблағ билан таъминлашди. Энди Иркутск шаҳридан уй-жойлар барпо этишда ишлатиладиган ёғоч материаллари тайёр ҳолда келтирилмоқда. Жиззах қурилиш ашёлари комбинати Челябинск шаҳрида ҳам ана шундай қўшма корхона очди. Бу қўшма корхона заводга керакли металл материалларини қайта ишлаб бу ерга жўнатишади. Келаётган темир-терсаклар завод қувватига қувват бўлиб қўшилмоқда.

А.ЖЎЛБЕК
«Ишонч» мухбири.

ГУЛИСТОНДА СУПЕРМАРКЕТ

Гулистон тумани марказида кундалик эҳтиёж моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳарид қилинадиган ҳожатбарор «Супермаркет» дўкони очилди.

Дукон мудири, тадбиркор Ҳабибулло Парпиев кишилар талабига мос озиқ-овқат маҳсулотидан тортиб рўзғор буюмларию замонавий кийим-кечаккача пештахталарни тўлдириш учун ҳаракат қилмоқда. Шу боис ҳам ушбу харид маскани кўрсатаётган хизмат одамларга манзур. Чунки бу маҳсулотлар бозордагидан анчагина арзон туради.

Н.ҚОСИМОВА,
«Ишонч» мухбири.

ОТА-БОЛА ҚУРГАН БОЗОР

Яшик Учқўрғон туманидаги қадимий қишлоқлардан бири. Истиқлол туфайли рўй бераётган янгиланишлар натижасида бу ерда кейинги йилларда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Қатор тижорат дуконлари, қассобхоналар, бошқа маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ишга тушди. Қишлоқ гузаридаги ишбилармон ота-бола Сойдобиддин ва Соҳибжон Шариповлар маблағи ҳисобига барпо этилган бозор, айниқса, нур устига аъло нур бўлди. Ота-бола тадбиркорлар «Соҳиб-94» фирмасини ташкил этишди ва унинг фойдаси ҳисобидан ана шундай натижага эришди.

Умуман, Шариповлар фирмаси хайр-саховат ишларига ҳам бош қўшмоқдалар. Келаётган даромаддан ҳожатталаб ва камхарж оилаларга, қаровчисиз кишиларга кўмак мақсадида моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ж.ОБИДОВ

1996 йил - Амир Темур йили

КЕЧАЛАР, АНЖУМАНЛАР, УЧРАШУВЛАР...

Шу кунларда жойларда улуғ бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Халқимиз ўз тарихини англамоқда. Ижодий жамоалар томонидан саҳнага олиб чиқилаётган театрлаштирилган томошалар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўз тарихига, ўтмишига қизиққан мухлислар иштирокида ўтмоқда. Навоий вилоятида ҳам бобомиз таваллудига бағишланган кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятдаги тоғ-металлургия комбинатининг «Фарҳод» маданият саройида «Соҳибқироннинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан фалсафа фанлари доктори, профессор, Навоий кончилик институтининг ректори Равшан Раҳмонов, вилоят ҳокими Ҳаёт Ғаффоров ва бошқалар Амир Темур ҳаёти, унинг дунё маданияти ва тарихида тутган ўрни, буюк салтанатни барпо этишдаги улкан салоҳияти ҳақида сўзлаб бердилар. Маданият саройининг «Баҳс» театр жамоаси уюштирган кеча ҳам томошабинларда катта таассурот уйғотди. Муҳиддин Кенжаев тайёрлаган томошада Темур образи яққол тасвирини топа олган.

Қизилтепа туман маданият уйи ва Марказий кутубхона томонидан тайёрланган «Темурийлар сулоласи» деб номланган кечада Амир Темур авлодлари, унинг фарзандлари томонидан амалга оширилган улкан ишлар ҳусусида сўз юритилган. Ҳайрулла Очилов, Сайёра Уроқова, Шавкат Темировлар Темурийлар сулоласининг жаҳон тарихида тутган ўрнини ҳаяжонларга бой саҳналарда ҳикоя қилиб бердилар.

Абдулла Қодирий номидаги вилоят Марказий кутубхонасида «Буюк Темур» номли адабий-мусиқий кеча бўлиб ўтди. Турабой Ужаров, Муҳаббат Раҳматиллаева, Ирина Гарнастаевалар бобокалонимизнинг бизларга ҳали кўп ҳам маълум бўлмаган қирраларини янги тарихий маълумотлар асосида очиб бердилар. Айниқса, улар томонидан тақдим этилган «Амир Темур буюк давлат асосчиси» деб номланган кўргазмада бой маълумотлар тўпланган.

Нурота тумани қишлоқларида ҳам «Темур давлатининг тарихий сабоқлари», «Амир Темур салтанати», «Боболар қолдирган мерос» деб номланган конференциялар бўлиб ўтмоқда. Туман марказий маданият уйида Саттор Ғаффоров ва Ҳудоёр Хидировлар ҳамкорлигида тайёрланган «Амир Темур адолатли ҳукмрон» деб номланган адабий дастурда ҳам Соҳибқирон, у ҳукмдорлик қилган даврдаги адабиёт, санъат ва архитектуранинг беқиёс ривожи ҳақида сўз боради.

Навоий Давлат кончилик институтида бу хайрли ишга катта қизиқиш билан ёндошилмоқда. Барча гуруҳларда Амир Темур ҳаёти ва унинг босиб ўтган йўлига бағишланган махсус дарслар талабалар томонидан илиқ кутиб олинмоқда. Амир Темурга бағишланган тарихий маълумотлар асосида дарслар адабиётшунослар, тарихчилар, қадимшуносlар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Институт факультетлари ва гуруҳлари ўртасида «Амир Темур ҳаётини биласизми?» деб номланган «Қувноқлар ва зукколар» танлови бўлиб ўтди. Ғолиблар махсус совринларни олишга муваффақ бўлдилар. «Фарҳод» маданият саройида Алишер Навоий номидаги педагогика институти ҳамда Навоий Давлат кончилик институти талабалари ўртасида «Амир Темур бизнинг бобомиз» деб номланган беллашувлар ҳам Амир Темур ҳаётини ўрганишда талабаларга катта фойда бўлди.

Вилоят тарихи музейи ходими Қурбонали Жўлмуродов раҳбарлигида махсус кўргазма ташкил этилди. Ундан Амир Темур ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар, тарихий ашёлар, рассомларнинг асарлари ўрин олган. Музейда мактаблар ўқувчиларига махсус дарслар ўтилиши йўлга қўйилган. Унда иштирок этаётган тарихчи ва қадимшунослар Амир Темур ҳақида ёшларга сўзлаш билан бирга кўргазмадаги ҳужжатларни шарҳлаб бермоқдалар.

Навоий химия заводига қарашли «Ширин» маданият саройида эса «Улуғ саркарда» деб номланган театрлаштирилган кеча бўлиб ўтди. Унда қатнашган Маданият саройи бадиий ҳаваскорлик жамоалари улуғ бобокалонимиз образини саҳнада намоён этиб, томошабинларга тарих лавҳаларини ҳадя эта олдилар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

МАЗМУНЛИ МАЪРУЗАЛАР

Мустақиллик қўлга киритилгач қадриятларимизга, маънавиятимизга эътибор кучаймоқда. Миллий давлатимиз тикланди, 1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилиниши катта сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Тошкент шаҳридаги педагогика институтида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Назарий-илмий анжуманда профессорлардан Ш.Шаропов, Р. Сангиров, Қ.Усмонов, Г.Ҳидоятов, А.Абдунабиев ва бошқа тарихчи олимлар Соҳибқироннинг жаҳон тарихида тутган ўрни тўғрисида мазмунли маърузалар қилдилар. Анжуман иштирокчилари Узбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах вилоятидаги 50-автокорхона ва Ғаллаорол қишлоқ хўжалик техникуми томонидан Самарқандга уюштирилган саёҳатда қатнашишди.

-Мен,-дейди Урганч давлат университети педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси Роҳатой Мадраҳимова, Самарқанд шаҳрида бўлдим. Амир Темур мавзолейи, Шоҳи-Зинда, Бибихоним мадрасаси, Регистон ансамбли ва Улуғбек обсерваторияси бизда бой таассурот қолдирди.

-Техникумда таълим-тарбия олаётган ёшларга,-дейди Республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги ўқув юртлари бошқармасининг масъул ходими А.Бутенко. - Амир Темурнинг давлатчилик тарихида тутган ўрнини, айниқса Мовароуннаҳрда фан-маданиятнинг ривожланишига қўшган ҳиссасини кўпроқ тушунтириш, Соҳибқирондек ўз ватанини севишни ўргатиш зарур.

Институт сиёсатшунослик кафедраси мудири, профессор Р.Сангиров эса бобомиз юрган йўллар тарихи ва унинг марказлашган давлатни тузиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилди.

Буюк саркарда Амир Темурнинг миллий давлатчилигимиз тарихига, фан ва маданиятнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси чексиздир. Унинг ҳаёти ва фаолияти келажак авлодлар учун ўрнак бўлибгина қолмасдан, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга даъват этувчи катта восита кучи ҳам ҳисобланади.

А.ТОЛИПОВ.



Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг талабалари Дилбар Эгамова билан Баҳодир Алимовлар Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тадбирда қатнашишга тайёргарлик кўришмоқда.

У.УСМОНОВ сурати.

Обуна

«ИШОНЧ» - СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Азиз юртдошлар!
Мухтарам муштарийларимиз!

«Ишонч» газетаси беш йилдирки, Сиз азиз ватандошларимиз,- меҳнатсевар, танти халқимиз хизматида. Мустақил Узбекистонимиз бағрида, у билан бирга ўсиб, улғаймоқда. Республикамизнинг жанговар оммавий ахборот воситалари орасида ўз ўрнини топиш, ўз ҳусну-латофатига эга бўлиш учун ижодий қурашнинг машаққатли, аммо шарафли йўлидан оғишмай бормоқда.

Сиз азиз муштарийларимизга мурожаат этар эканмиз, шуни яна бир бор таъкидлашни истар эдикки, таҳририятимиз ижодий жамоаси мустақилликнинг янги шароитларида - хилма-хил мулк шакллари мавжуд бўлган, жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда газетани кўп миллионли касаба уюшмалари ҳаётининг чинакам кўзгусига, меҳнат жамоадари ҳар бир меҳнат кишисининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашнинг ҳақиқий минбарига айлантириш учун тинмай изланмоқда. Газетамизнинг ижтимоий қимматга эга бўлиши, мамлакатимиз тараққиётининг, касаба уюшмалари сергирра фаолиятининг долзарб муаммолари саҳифаларимизда ижчил ёритиб борилиши, унинг ҳар бир ўқувчи қалбига ёруглик - нур олиб кириши, маънавий завқ бағишлаши, озиқ бериши учун қураш бизнинг доимий эзгу тилагимиздир.

Сиз мухтарам ўқувчиларимиздан, азиз ватандошларимиздан келаётган мактублар эзгу ниятларимиз йўлида эришаётган натижаларимиздан дарак бериб турибди. Газетамиз саҳифаларида юз бераётган ўзгаришларни қўпчилик илғаб олаётгани, газетхонларимиз, гоят эҳтиётлик билан, биз журналистларни асраб-авайлаб билдираётган фикр-мулоҳазалари, маслаҳатлари бизга далда бўлмоқда, янгиянги ижодий шижоат, собитқадамликка рухлантирмоқда.

«Ишонч» - Сизнинг газетангиз деганда, биз унинг саҳифаларида ёритилаётган мақола, суҳбат, корреспонденция, хабар, танқидий чиқишларимиз меҳнат жамоалари, уларни ўз саҳифаларида жипслаштириб турган касаба уюшмалари манфаатларига бўйсундирилганини назарда тутдик.

«Ишонч» - Сизнинг газетангиз деганда, биз ҳар бир меҳнат кишисининг, унинг оила аъзоларининг, барча фуқароларимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларига сидқидилдан хизмат қилиб, сизларнинг чинакам ишончингизни оқлашга интилаётганимизни назарда тутдик.

«Ишонч» - Сизнинг газетангиз деганда, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда, ҳар бир маҳалла-ю, хонадонда, қўйинги мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида азиз инсонинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминловчи соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида сизлар билан бирга, сизларга суяниб олиб бораётган ишларимизни назарда тутдик.

«Ишонч» - Сизнинг газетангиз деганда газетамиз саҳифаларида ижчил ёритилаётган «Одамийлик сабоқлари», маънавият сарчашмаларида турган уламо-ю фузалоларимиз ҳақидаги маълумотлар, маданият ва маориф соҳасида ўткир чиқишларимиз бахш этаётган завқ-шавқларни назарда тутдик.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, қилаётган ишларимизнинг қўпчилиги сизларга маъқул келмоқда - таҳририятимизга келаётган хатлар оқими кескин кўпайганлиги ва улар мазмуни айнан шуни кўрсатиб турибди. Бу ҳолат бизни ўз ишимизга бўлган масъулиятни, касб маҳорати ва фуқаролик журъатимизни кескин оширишга даъват этаётгани сир эмас. Шунинг учун ҳам биз Сиз азизларимиз билдираётган юксак ишончни бундан буён янада ерқинроқ, самаралироқ ва сифатлироқ маҳсулотлярмиз билан, касаба уюшмалари, меҳнат жамоалари, ҳар бир меҳнат кишисини ҳар томонлама ҳимоясини таъминлаш, керак бўлганда ҳеч иккиланмай ёрдам бериш билан оқлаш учун бутун куч-ғайратимиз, ижодий қувват-иқтидоримизни тула сафарбар этаверамиз.

Азиз касаба уюшма фаоллари, юртдошлар, келажаги буюк давлат фуқаролари!

Сизларнинг бевосита маънавий ва моддий маладингиз билан газетамиз саҳифалари катталанди, ҳафтасига бир эмас - икки марта чиқадиган бўлди. Газетамизнинг - Сизнинг газетангизнинг бундан кейинги истиқболи ҳам сиз азиз муштарийларимиз қўлида. Шунинг учун ҳам сизларга яна бир бор қўлларимиз кўксимизда таъзим билан мурожаат этишга журъат этдик:

Турли сабаблар билан «Ишонч»га обуна бўла олмай қолган газетамиз мухлислари, касаба уюшма ташкилотлари фаоллари, меҳнат жамоалари раҳбарлари! Бу сафар сизларни хушхабар бўлишга - газетамизга иккинчи ярим йил учун обунани тезроқ расмийлаштиришга чақирамиз. Шу бугун, шу ҳафта, шу ойдан кечикмай обуна бўлиб қўйсангиз, газетамизни йил охиригача беташвиш олиб ўқишингиз мумкин бўлади.

Ишонаверинг, газетамиз шу кундан эътиборан янада сермазмун, серқирра ва қизиқарли бўлиб чиқаверади. Сиз азизларимизнинг ишончингизни оқлаш ва биз билан доимий ҳамроҳ бўлиб қолишингиз учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Яна бир нарсани эслатиш биз учун гоят муҳим ва аҳамиятлидир. Яъни ҳар бир касаба уюшма ташкилоти, ҳар бир идора, муассаса ва ташкилот, ҳар бир газетхон «Ишонч»га обуна бўлар экан, демак унинг мустаҳкам моддий заминини яратишга шаҳсан ҳисса қўшган бўлади.

Обуна шартларини эслатамиз:

Идоравий обуна индекси 64561, обуна баҳоси - 6 ойга 267 сўм 32 тийин (каталог баҳоси). Тошкент шаҳри учун - 237 сўм 18 тийин.

Якка тартибдаги обуна индекси 64560, обуна баҳоси - 6 ойга 164 сўм 40 тийин (каталог баҳоси) Тошкент шаҳри учун - 133 сўм 20 тийин.

Истаган алоқа бўлимида обунани расмийлаштиришингиз мумкин. Муштарийларимиз сафида Сиз ҳам бўлишингизга ишонамиз!

Касаба уюшма ҳаёти

УСТОЗЛАРГА ИЗЗАТ-ИКРОМ

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичининг ўз шароитларидан келиб чиқаётган қийинчиликлари таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ва турмушида ҳам акс этмай иложи йўқ. Республика ҳукумати таълим ва фан ходимларининг ойлик маошларини босқичма-босқич ошириб бормоқда. Маҳаллий ҳокимиятлар, касаба уюшма қўмиталари баҳоли қудрат ёрдам кўрсатмоқдалар. Шунингдек, янги мактаблар қурилиши, уларни замонавий ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳам давом этмоқда. Ўтган йили вилоятимизда 2882 ўринли 4 та мактаб, 460 ўринли қўшимча синф хоналари қурилди. 4 та туманда намунали таълим-тарбия шоҳобчаси барпо этилмоқда. Тармоқ муассасаларида ишловчиларга зарур шарт-шароитлар яратилган, иситиш, ёритиш тармоқлари, меҳнат муҳофазасини таъминлаш ҳам диққат марказида. 241 та дам олиш хонаси, 128 та аёллар гигиена хонаси, ошхоналар фаолият кўрсатмоқда. Рағбатлантириш мақсадларининг ўзига 4,5 миллион сўм сарфланди. Муассасаларни янги ўқув йилига тайёрлаш, ижтимоий тадбирларни амалга ошириш ҳамда меҳнат хавфсизлиги талабларини бажаришга 1,2 миллион сўм харажат қилинди. Кимё фани, ЭҲМ муаллимлари ва амалиётчи ходимлари маошларига 8,4 фоиз, халқ таълими бўлимларидаги меҳнат муҳофазаси учун масъул кишиларнинг маошларига 15 фоиз устама ҳақлар қўшиб тўланмоқда. Хизмат вазифасини бажариш чоғида шикастланганлар, вафот этганларнинг оиласига бир йўла ҳамда ҳар ойда тўланадиган товон пули тўловлари берилмоқда.

Бундан ташқари, Республика Президенти Фармони ва ҳукумат қарорларига кўра вилоятимиздаги 40495 педагог коммунал хизматлардан имтиёзли равишда фойдаланмоқда. Шу мақсадлар учун 16,5 миллион сўм маблағ сарфланди. 6536 кишига ёқилғи маҳсулотлари учун товон пули берилди.

Бундай имтиёзлар нафақада бўлган ўқитувчиларга ҳам жорий этилди. Ўтган йиллар давомида давлат ва корхоналар уйларида истиқомат қилаётган 4391 педагог ходимларга уйлари бепул хусусийлаштириб берилди. 6579 кишига уй қуриши учун ер участкалари ажратилди. 14116 кишининг уйи газлаштирилди. Тўрақўрғон, Косонсой, Наманган, Мингбулоқ туман ҳокимликлари қатнаб ишлаётган ўқитувчиларга йўлкира ҳақи бир неча ой давомида қоплаб борилди.

Ўқитувчи меҳнати оғир. Чунки улар мурғак қалбларга маърифат чироғини ёқиб катта ҳаёт йўлига олиб чиқишади. Касаба уюшмалари ҳам фан ва маориф ходимларини соғломлаштириш ишларига доимо эътибор билан қарамоқда.

Тўғри, сиҳаттоҳларнинг хўжалик ҳисобига утаётганлиги, олинаётган йўлланмалар қийматининг 15 фоизини олдиндан тўлаш шартлиги ҳамда суғурта бадаллари тушумининг тула бўлмаслиги каби сабаблар боис ҳозирги кунда бу мақсадга эришиш осон эмас. Шунга қарамасдан утган йилнинг узида 483 киши санаторийларда, 84 киши дам олиш уйларида, 2179 киши санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди. Ходимларнинг 584 нафари фарзандларига оромгоҳларда дам олиши учун йўлланмалар берилди. Вилоят бўйича 3 мингдан ортиқ кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизларини болалар оромгоҳларида бепул хордиқ чиқаришига эришилди. Фарзандларимиз учун вилоятимиздаги хушманзара ва соя-салқин «Қуксарой», «Пахтачи», «Нихол», «Шаҳанд», «Чортоқ» сиҳаттоҳлари хизмат қилмоқда. Наманган шаҳри, Норин, Косонсой, Чуст, Уйчи туманлари касаба уюшма қўмиталари бу борада намуна кўрсатмоқдалар. Вилоятимизда соҳа ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш билан бирга маънавий рағбатлантириш, кўнгилларини кутариш чоралари кўрилмоқда. Вилоят шаҳар ва туман ҳокимиятларининг бевосита кўмаги билан бу борада бир мунча тадбирлар амалга оширилди. Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб 325 жангчи-педагог ҳақида «Садоқат сабоқлари» номли китоб чоп этилди. Таълим-тарбия муассасаларида узоқ йиллар ишлаган, халқ таълими равнақи йўлида хизмати сингган кишилардан 20 нафарининг юбилей туйлари утказилди. Вилоят халқ таълими бошқармасида, вилоят касаба уюшмалари қўмитасида, шаҳарлар ва туманларда, муассасаларда турли-туман тадбирлар уюштирилди, уруш фахрийларига эсдалик совғалари топширилди. Ўқитувчилар, тарбиячилар уртасида танловлар, кўриклар, спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Шунингдек, халқ таълими ривожига муносиб ҳисса қўшган Аҳмаджон Қирғизов хотирасига бағишлаб шахмат бўйича беллашувлар уюштириш анъана тусига кириб қолди. Бу соҳага кўп куч-ғайрат сарфланган, ҳозирда орамиздан кетган муаллимлар хотирасини абадийлаштириш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Улар номига мактаблар, кўчалар, маҳаллалар қўйилмоқда. Айниқса жамоа шартномасининг ўқитувчини ижтимоий муҳофазалаш аҳамияти катта. Уни ходим меҳнатини ҳимоялашнинг ҳуқуқий дастури деб баҳолаш мумкин. Жамоа шартномасига киритилган тадбирлардан 80 фоиздан ортиғи уддаланди. Шу билан бир вақтда унинг айрим бандлари бажарилмаганлигидан кўз юмиб ўта олмаймиз. Масалан, иқтисодий қийинчиликлар оқибатида тармоқ йил давомида тула молиялаштирилмаганлиги, банклар да нақд пул тушуми кам бўлганлиги туфайли тармоқ ходимларининг иш ҳақлари таътил ва товон пуллари муддатидан кечикиб тўланди. Бундай ҳолат айниқса Косонсой, Мингбулоқ, Поп, Тўрақўрғон, Давлатобод туманларида кўпроқ кузга ташланмоқда. Муаммолар хусусида вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларига, молия бўлимларига, банкларга мурожаат этилди. Кўпчилигини ҳал қилишга эришилди. Жойларда халқ тизими раҳбарлари, касаба уюшма қўмиталари ходимларининг очиқ мулоқотлари, кўчма қабуллар ўтказиляпти.

Жамоа шартномасидаги тармоқда зарарли иш шароитларида меҳнат қилаётганлар рўйхатини кенгайтириш таклифини тайёрлаш, ходимларни даврий тиббий кўрикдан ўтказиш, муассасаларда ички меҳнат интизоми қоидаларини ишлаб чиқиб жорий этиш, меҳнат низолари комиссиялари фаолиятини уюштириш, меҳнат муҳофазаси хоналарини жиҳозлаш каби зарурий бандларнинг бажарилиши ҳам етарли назорат қилинмади. Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошидаги санаторий-профилакторийга минерал сув олиб келиш учун махсус қувур тошиш имконияти бўлмаяпти. Айрим муассасаларда ходимларни ишдан бўшатишда, иш ўринларини қисқартиришда амалдаги қонунлардан четлаш ҳоллари юз бермоқда. Тармоқда маблағ танқислиги натижасида «Ёш сайёҳ» болалар оромгоҳини мавсумга тайёрлаш ва фаолиятини йўлга қўйишда қийинчиликлар кўндаланг бўляпти. Наманган шаҳар мактабларининг ўқитувчиларига жамоа транспортда бепул юришга ҳамда педагог ходимларга суюлтирилган газ бериш учун имтиёз берилмади. 617 киши ер участкаси олиш учун навбатда турибди. 35 киши ижара уйларида яшамоқда. Лекин биз бугунги қийинчиликлар ўткинчи эканлигини, муаммолар бугун бўлмаса эртага албатта ҳал этилишини яхши тушунамиз. Президентимиз, ҳукуматимиз халқнинг турмуш шароитини яхшилаш чорасини кўраётганликларидан хабардормиз. Шундай бўлсада, барибир биз ўзимиздаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, вилоят халқ таълими бошқармаси, маҳаллий ҳокимиятлар билан бир ёқадан бош чиқариб қийинчиликларни енгиш, муаммоларни бартараф этиш чорасини кўрмоқдамиз. Зероки, тармоқ ходимларимиз ўзларини ҳамиша ижтимоий ҳимояда эканликларини, турмуш ва меҳнат ташвишларини енгишда ёлғиз эмасликларини ҳис этмоқдалар.

Комилжон ТЎЛАБОЕВ,
Наманган вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

Муносабат

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ҚАЙТМАЙМИЗ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг Россия Давлат Думаси 15 март куни собиқ Иттифоқни қайта тиклашга доир қарори ҳақидаги Баёноти Сирдарё вилояти касаба уюшмалари идоралари ва ташкилотларида кизғин муҳокама қилинмоқда. Бу бежиз эмас.

Баёнотда таъкидланганидек, мустақил Ўзбекистонни 150 дан ортиқ давлат тан олди. Давлатимиз байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳилпираб турибди.

— Ўтган йиллар давомида, — деди вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Абдусаттор Муҳамедов, — мустақил юртимиз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар туфайли тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Энди орта қайтиб бўлмайди. Халқимиз ҳам буни ўз донишмандлиги билан тасдиқлаб турибди: «Йўлбарс изидан қайтмас, йигит сўзидан!».

— Илгари, — деди биз билан суҳбатда Давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмасининг вилоят қўмитаси раиси Раҳматилла Султонов, — бутун бир Иттифоқ ўзига қарам 15 та республика кучи билан Тольятти шаҳрида битта «Жигули» автомобиль заводини қуриши дунёга овоза бўлган эди. Ҳозир эса битта Ўзбекистон халқи иккита автозаводни барпо этяпти. Биз нефть мустақиллигини ҳам қўлга киритдик. Узимиздаги иқтисодий салоҳият шу қадар улкан эканлигини энди англаб етдик. Бизни бу тақдир ва тарих йўлидан энди қайтариб бўлмайди.

Биз деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси С. Исмоиловага ҳам мурожаат қилдик.

— Ҳамкасбим фикрига қўшиламан, — деди Салтанат опа, — Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи бўлиб миллий автомобилсозлик саноатига эга бўлди. Мамлакатимиз қолоқ қишлоқ хўжалиги хом ашё улкасидан илғор замонавий техника ва технологияга асосланган ва жадал ривож топаётган саноат давлатига айланмоқда. Бу йил, иншоллоҳ, биз ғалла мустақиллигини тўлиқ таъминлаймиз. Бизни бу йўлдан чалғитмоқчи бўлаётганлар қаттиқ янглишади. Биз бу дориламон мустақилликка беҳисоб қурбонлар эвазига эришганмиз.

— Тарих ғилдирагини орқага айлантириб бўлмайди, — деди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Қаршибой Эшназаров. — Биз бу мустақиликка эришиш йўлида қанчадан-қанча зиёлиларимизни қурбон бердик, миллий қадриятларимиз топталди. Бунга яна ким рози булади?

Ким билан суҳбатлашмайлик, барчанинг фикри бир жойдан келиб чиқяпти: орқага қайтиш йўқ! Биз, касаба уюшмалари ходимлари, ҳурматли юртбошимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши мажлисида билдирган фикр-мулоҳазаларини тўлалигича қўллаб-қувватлаймиз. Чунки биз халқимиз танлаган ва эндиликда жаҳон ҳамжамияти тан олаётган мустақил тараққиёт йўлини келажаги буюк давлатни барпо этишга олиб борадиган йўл деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
касаба уюшмалари Сирдарё вилояти Кенгаши ташкилий ишлар бўлимининг мудири.

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

«ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг фаолияти жаҳон жамоатчилиги диққат эътиборини Узбекистон ва Марказий Осиё минтақасидаги ижтимоий ҳамда экологик муаммоларга жалб этишга қаратилган. Бунга халқаро ташкилотлар, хорижий фирмалар, Тошкентда иш олиб бораётган дипломатия маҳкамалари ижобий баҳо бермоқдалар.

Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг элчихоналари хайр-эҳсон тадбирларини амалга оширишда тиббий ускуналар ва дори-дармонларни етказиб беришда «ЭКОСАН» га яқиндан ёрдам кўрсатаётирлар.

Яқинда «ЭКОСАН» халқаро жамғармасида инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича навбатдаги маросим ўтказилди. Бу сафар экологик жиҳатдан оғир шароитда яшаётган Қорақалпоғистон Республикаси болалари ва хотин-қизлари учун ғамхўрлик қилинди. Швейцария элчихонасининг яқиндан кўрсатган ёрдами туфайли «MEFA» ҳусусий фирмасидан 40 номдан ортиқ дори-дармонлар олинди. Экологик жиҳатдан соф ҳисобланган бу дори-дармонлар кардиология, урология, ревматология соҳаларида кенг қўлланилади.

Жамғарма делегацияси Швейцарияга ташриф буюрганида у ердаги энг йирик «MEFA» фармацевтика компанияси билан ҳамкорликни давом эттириш тўғрисида аҳдлашилган эди. Ҳозирги вақтда Узбекистонда дори-дармонларни тайёрлаб берадиган қушма корхонани бунёд этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

Жамғарма билан Швейцария доришунослари ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенг қулоч ёймоқда.

Т. ТЕМУРОВ.



Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Акмал Икромов номли фермерлар уюшмасига қарашли «Соҳибкор» хўжалигида Нажмиддин Хўжаев бошлиқ фермерлар гуруҳи 228 гектар ерда деҳқончилик қилишади. Шартнома асосида ишлаётган бу фермерлар 73 гектар ерда боғ, 80 гектар ерда узум, 55 гектар ерда эса сабзавот етиштирмоқдалар. Ушбу фермерлар хўжалигининг 137 аъзоси бор.

***Суратда:** хўжалик раҳбари Нажмиддин Хўжаев (чапдан учинчи) хўжалик аъзолари У.Нурматов, З.Сафоев, Ф.Хўжаев, Д.Икромовлар билан навбатдаги ишлар хусусида фикрлашмоқда.*

Н. МУҲАММАДЖОНОВ сурати.

Андижон вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитасининг кўчма раёсати Пахтаобод тумани халқ таълими бўлимида бўлиб ўтди.

Раёсат қатнашчилари туман халқ таълими бўлимидаги 79 та бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг деярли барчасида бўлишиб, касаба уюшма аъзолари учун яратилган шароитлар, улардан тушган таклиф ва аризалар қай тарзда бажарилаётгани билан танишиб чиқишди. Халқ таълими бўлимида 5 мингдан ортиқ касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади. Шундан 2257 нафари зиёли, тарбиячиларни ташкил қилади. Халқ таълими бўлимида 42 та мактаб бўлиб, унда 28 мингдан зиёд ўқувчи билим олмоқда. Қарийб 25 та боғчада 3 минг нафар кичкинтой тарбияланади.

ЮТУҚЛАР ЎРГАНИЛДИ

Меҳнат жойларида самарали фаолият юритиши учун кишиларга қулай шароит яратиб бериш касаба ташкилоти зиммасидаги вазифа бўлгани сабабли туман халқ таълими касаба уюшмаси бунга етарли даражада эътибор бермоқда. 1995 ўқув йилида халқ таълими тармоғи ўз ҳамкасаба ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уларга имтиёз яратиб 2089 тонна кўмир ва электр-энергия учун 1 миллион 207 минг 732 сўм, табиий газ учун 121 минг 51 сўм маблағни тегишли ташкилотларга ўтказиб берди. Маълум сабабларга кўра кўмир етмай қолган ходимларга нақд пул бериб ҳисоблашилди. Халқ таълими ишини ривожлантиришдаги жамоа ҳизматларини ҳисобга олиб, 236 нафар касаба уюшма аъзосига қўшимча мукофот пуллари берилаётир. Бу тадбирларнинг барчаси аҳолининг зиёли қатламини бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан озгина бўлса-да ҳимоя қилиш, ислоҳот жараёнларидан осонликча олиб чиқиш мақсадида амалга оширилаётир.

Тоҳиржон ҲАЙИТБОЕВ,
II-гуруҳ ногирони, ўқитувчи.
Мунаввар ЖЎРАМИРЗАЕВА,
Пахтаобод туманидаги М.ҚОДИРОВ номли 20-мактаб ўқитувчиси.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ...

Саволларга Ўзбекистон кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг меҳнат ҳуқуқи Бош нозири Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради.

Мен бахтсиз ҳодиса туфайли 1991 йилдан II-гуруҳ ногиронлигига ўтганман. 4 нафар фарзандим учун аввал белгиланган устамани кейинчалик нотўғри тўланган деб қайтариб олишлари мумкинми? Ўзим афғон уруши қатнашчисиман.

Собир ҚУРБОНОВ,
Самарқанд вилояти, Қаттақўрғон тумани.

Узбекистон Республиксининг амалдаги пенсия қонунининг 65-моддасида белгиланишича, фақат қуйидаги ҳоллардагина пенсиядан ушлаб қолиниши (чегирма қилиниши) мумкин:

а) суднинг ҳал қилувчи қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари, нотариал идорларининг ижро варақалари асосида ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда;

б) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг қарорига биноан пенсионерга унинг томонидан қилинган суистеъмолчилик оқибатида ёки ҳисоблашдаги бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда.

Қонунда белгиланишича, пенсияллардан юқорида кўрсатиб ўтилгандан ташқари бошқа ҳеч қандай чегиришлар қилиш мумкин эмас.

Энди Сизга 5 ой яъни 1994 йилнинг июл-ноябр ойлари учун қарамоғингиздаги болаларга тўланган устама ҳақлар асосан ижтимоий таъминот бўлимининг айби билан тўлангани учун бу ҳолат «техник» хато ҳисобланадими ёки йўқми, фикримизча, низо суд тартибида ҳал қилинмоғи керак.

Умр йўлдошимнинг 9 болаcини тарбиялаб вояга етказдим. Кўп болали она сифатида 50 ёшимдан пенсияга чиқишим мумкинми?

Аъзамхон ЭРМАТОВА,
Наманган вилояти, Поп тумани.

Маълумки, Узбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 12-моддаси з/бандига мувофиқ беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни 8 ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни шу ёшгача парваришлаш учун кетган вақтни қушиб ҳисобланганда, иш стажи камида 20 йил булса ёки болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшилмаганда, иш стажи камида 15 йил булган тақдирда умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли равишда 50 ёшдан пенсия олиш ҳуқуқига эга буладилар.

Ушбу Қонунга мувофиқ, агар Сиз ўтай фарзандларингизни 8 ёшга тулгунича камида 5 йил тарбиялаган ҳамда талаб қилинган иш стажига эга бўлсангиз, 50 ёшдан кўп болали она сифатида пенсияга чиқишингиз мумкин.

Мен 1994 йил январ ойида 28 йиллик ўқитувчилик иш стажим билан 56 ёшимдан пенсияга чиққанман. Ҳеч қандай имтиёзлардан фойдаланмаганман. Нима қилишим ҳақида маслаҳат беришларингизни сўрайман.

Худойназар МАМАНАЗАРОВ
Тошкент вилояти, Бекобод тумани.

Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (1993 йилда қабул қилинган) Қонуни, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги (1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган) Қонуни ва Республика Президентининг ўқитувчиларни ва педагог ходимларни ижтимоий қўллаб -қувватлаш тўғрисида Фармонлари ҳамда Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларида ўқитувчиларга ва ўқитувчиликдан пенсияга чиққан фуқароларга қўплаб имтиёз ва енгилликлар белгиланган.

Кузда тутилган имтиёзлардан фойдаланишингиз ва Сизга тайинланган пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш учун ўзингиз яшаб турган туман ижтимоий таъминот бўлимига ёки маҳаллий ҳокимият идорасига мурожаат қилишингиз тавсия қилинади.

Уй-жой қуриш учун ва хўжалик юритиш учун ер майдони олиш тартиби қандай?

Нусратилла ТОШЕВ,
Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.

Узбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш, уй-жойлар қуриш учун жамоа хўжалиги хонадонига, давлат хўжалиги ишчиларига қишлоқда яшовчи ўқитувчилар, врачлар ва бошқа тоифадаги фуқароларга суғориладиган ерлар ҳисобидан 0,25 гектаргача ва суғорилмайдиган ерлардан 0,50 гектаргача томорқа ер берилади.

Фуқароларга шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун бериладиган ер майдонларининг миқдори меҳнат жамоаси аъзоларининг умумий йиғилиши ёки хўжалик маъмурияти томонидан аниқланади.

Шунингдек, фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ҳар бир оилага 0,06 гектар ер участкаси берилиши лозим.

Уй-жой қуриш ёки шахсий хўжалик юритиш учун фуқаро ўзи яшаб турган ҳудуддаги маҳаллий ҳокимият идорасига шахсий ариза билан мурожаат қилиши керак.

Ер участкасини ажратиб бериш тегишли ҳокимят идорларининг қарорлари билан расмийлаштирилади.

Мен 38 йилдан бери туман марказий касалхонасида ҳисобчи бўлиб ишлайман. 55 ёшдан пенсияга чиқишим мумкинми?

Тўйбой ТЎХТАЕВ,
Бухоро вилояти, Шофиркон тумани.

Имтиёзли равишда умумий бегиланган пенсия ёшини 5 йилга қисқартириш ҳуқуқини берувчи касблар рўйхатида (3-сонли рўйхатнинг 8-қисмида) тиббий муассасаларнинг ҳисобчилари кўзда тутилмаган. Шу боис Сизга 60 ёшдан сўнг умумий тартибда пенсия тайинланади.

Аёл ўқитувчилар учун пенсияга чиқишда қандай имтиёзлар белгиланган?

Робия ВАҲОБОВА,
Фарғона вилояти, Риштон шаҳри.

Узбекистон Республикасининг амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси к/бандига мувофиқ ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари махсус иш стажи камида 25 йил булган тақдирда имтиёзли равишда 5 йил илгари пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ушбу модданинг з/бандига мувофиқ эса, беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар — болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда иш стажи камида 20 йил булса ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажи камида 15 йил булган тақдирда 50 ёшдан пенсияга чиқишга ҳақлидирлар.

Демак, имтиёзли равишда тайинланадиган пенсиянинг қайси туридан фойдаланиш кўп болали муаллиманинг ҳохишига боғлиқ.

Эл дастурхонига

ФОЙДАНИ ЎЗИМИЗ ТОПАМИЗ

«Фарғонатайёрловсавдо» уюшмаси жамоаси вилоят аҳолисининг бугунги эҳтиёжи ва эртанги талаби асосида фаолият юритиб, яхши натижаларга эришаяпти. Яқинда мухбиримиз Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ уюшма бошқаруви раиси ўринбосари Акрамжон РАСУЛОВ билан учрашиб, тармоқда амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги режалар хусусида суҳбатлашди.

— Расулжон ака, ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳозирги ўтиш даврида тайёрловчилар олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилган. Бу вазифалар кўлами ва миқёсларини сиз қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Дарҳақиқат, аҳоли дастурхонини тукинсочин қилишда тайёрловчиларнинг ўз ўрни бор. Вилоятимиз туманлари ва шаҳарларида 1996 йилнинг пишиқчилик кунларига етгунга қадар мева, сабзавот маҳсулотларини гамлаб қўйганмиз. Бунда истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари ҳисобга олинган, албатта. Шахсий ер участкаларида етиштирилган маҳсулотларни бозорларда эмин-эркин сотишни йўлга қўйиш таъминотни яхшилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шуни ҳисобга олган ҳолда ўтган йили вилоят деҳқон бозорларида 800 ўринли савдо шоҳобчаларини қуриб, фойдаланишга топширдик. Жумладан, Қўқон шаҳрида янги сабзавот растаси ҳамда 200 ўринли «Чархий» бозори, Тошлоқ туманида 50 ўринли ёпиқ деҳқон бозори, Бувайда туманида мол бозори, Олтиариқ туманида 52 ўринли «Деҳқон уйи» барпо этилди. Умуман, бултур бозорларни таъмирлаш ва ободонлаштириш учун 12462 сўм маблағ сарфланди.

1996 йилдаги режалар ҳам катта. Чунончи, Водил қишлоғида, Риштон шаҳрида жами 500 ўринли деҳқон бозорларини қуриб, фойдаланишга топшириш ният қилганмиз.

— «Тайёрловсавдо» уюшмаси аҳолидан маҳсулот сотиб олишда қандай йўл тутаяпти?

— Бирласиз, турли сабабларга кўра ҳозир нақд пул камчил. Бу бизнинг ишимизни ҳам анча қийинлаштираяпти. Шунинг учун мева, сабзавот ёки бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олишда деҳқонларга нақд пул ваъда қилаётганимиз йўқ. Балки чек дафтарчаси ёзиб бериш ёки узимиздаги озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли молларига алмаштириш тартибини йўлга қўйганмиз. Ходимларимиз йил бўйи аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боришаяпти. Улар эҳтиёждан ортиқча маҳсулотларни сотиб олиш бўйича кўплаб шартномалар тузмоқдалар.

Утган йили тизимда 27300 тонна нознеъмат, жумладан, 4400 тонна картошка, 10200 тонна ҳўл мева, 1550 тонна узум, 5000 тонна қовун-тарвуз тайёрланди. Ана шу маҳсулотларнинг асосий қисми дуконларимизда, вилоят марказида, туман ва шаҳарларда ташкил этилган ярмаркаларда аҳолига сотилди. Олтиариқ, Охунбобоев, Қува, Риштон, Тошлоқ, Бувайда, Фарғона туманлари ва Қувасой шаҳар тайёрловчилари бу соҳада яхши натижаларга эришдилар.

Маҳсулотни сақлаш ва уни сифатли ҳолда истеъмолчиларга етказиб бериш муҳим вазифаларимиздан бири саналади. Ҳозир омборларимизда 5235 тонна сабзавот, жумладан, 4522 тонна пиез, 550 тонна картошка, 155 тонна ҳўл мева, 200 тонна полиз, 100 тонна карам, 100 тонна сабзи, 140 тонна қизилча ва бошқа ноз-неъматлар мавжуд. Улар истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилаяпти. Шуни ҳам айтиш жоизки, маҳаллий банкларда ҳисоб рақами бўлган хўжаликларга маҳсулот учун 15 фоиз ҳақни олдиндан тулаш ёки бартер орқали келтирилган товарларни бериш билан ҳисоб-китоб қилинмоқда. Бошқача айтганда, вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган ун, усимлик ёғи, шакарга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини айрибошлаш йўлга қўйилган.

Барча шаҳар ва туманларда қабул пунктлари мавжуд. Бу ерга келтирилган маҳсулотларнинг бир қисми қайта ишлаш учун, бир қисми эса Ҳамдўстлик давлатларига жўнатилади. Ҳозирги иқтисодий шароитда деҳқон ўз маҳсулотини сотиш учун бозорма-бозор юролмайди. Шундай экан, биз тайёрловчилар унинг узогини яқин, мушкулини осон қилиш чораларини кўришимиз лозим.

— Айтингчи, тайёрланган маҳсулотлар асосан қаерларда реализация қилинади?

— Бу ҳам ўзига хос бир муаммо. Эҳтиёждан ортиқча маҳсулотни Ҳамдўстлик давлатлари ва хорижий мамлакатларда озиқ-овқат ҳамда истеъмол молларига алмаштирмоқдамиз. Ҳозирги кунда ундан ортиқ ходимларимиз шу иш билан машғул. Уларнинг ҳаммаси савдо ва тижорат соҳасида кўзи пишган кишилар. Ҳамдўстликдаги давлатларга жўнатилган 9200 тонна сабзавот, 1000 тонна ҳўл мева ва бошқа ноз-неъматлар эвазига 3622 тонна бўғдой, 1954 тонна гуруч, 165 тонна ўсимлик ёғи, 150 тонна чой, 275 тонна макарон маҳсулотлари, 600 тонна шакар, 550 тонна ош тузи, 550 тонна хўжалик совуни, 1000 шартли яшик гугурт, кўплаб қурилиш материаллари олдик. Буни пулга чақадиган бўлсак, 37 миллион 143 минг сўмни ташкил этади.

Тизимда меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий самарадорликни ошириш диққат марказида тутилаётир. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Айни пайтда мева, сабзавотларни қайта ишлаш, қуритиш ва консервалаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, вилоят уюшмасига қарашли 8 та хўжаликда консерва цехлари фаолият кўрсатмоқда. 20 хилга яқин халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқармоқдамиз. Асал қадоқлаш, мева шарбатлари тайёрлаш шулар жумласидандир.

Қисқа давр ичида 2644 минг сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланди.

— Иқтисодий ислоҳотлар тармоқ ходимлари учун ҳам муайян имкониятлар очганлиги шубҳасиз, Шу ҳақда тўхталсангиз.

— Гапингиз тўғри. Очиғи, илгари давлат маблағига маҳсулот сотиб олиш, уни аҳолига сотиш ва бошқа жойларга жўнатиш ҳисобига «кун» кўрардик. Бозор иқтисоди бундай боқимандачиликка узил-кесил барҳам берди. Тайёрловчиларимиз ва ишбилармонларимиз эндиликда фойда топиш ва корхонанинг бойишидан тула баҳраманд. Республикадаги иқтисодий ислоҳотлар туфайли тайёрлов-савдо тизими билан рақобатлаша оладиган хусусий сектор майдонга келаётганлиги фаолиятимизга янгича талаблар билан ёндошишни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам биз айни пайтда жаҳон стандарти талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилаяпмиз.

Тизимни ривожлантириш учун аввало моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий технология асосига қўчириш талаб этилади. Шунингдек, маҳаллий бозорларни таъмирлаш, сотувчи ва харидорлар учун қулай имкониятлар яратиш, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш тармоқлари хизматини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бурдоқичилик хўжаликлари фаолиятини ривожлантириб хом ашени тайёр маҳсулотга айлантириш ниятимиз бор.

— Тизимда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш қандай ташкил этилган?

— Аввало шуни айтиш керакки, 1995 йилнинг май ойида «Вилояттайёрловсавдо» уюшмаси қошида касаба уюшма қўмитаси тузилган эди. Касабақум ишчи-хизматчиларнинг ҳаётий манфаатлари йўлида фаол ҳаракат қилмоқда. Дам олиш, таътил давомида даволаниш учун зарур шароит яратилган. Ходимлар вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик учун тиббий сугурта ҳақларини олиб туришибди.

Уюшма раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият бераяпти. Уларнинг ҳолидан доимий хабар олиб турилади. Турли тантана ва байрамларда йўқлаш, баҳоли қудрат моддий ёрдам пули ажратиш анъанага айланган.

Вилоят тайёрлов-савдо соҳасида ҳукуматимиз қарорларига асосан хусусийлаштириш ишлари диққат марказида бўлди. 41 та ташкилотимиз жамоа хўжалигига, 641савдо шоҳобчалари хусусий мулкчиликка утказилди. Ҳозирги кунда шаҳар ва туман деҳқон бозорлари очиқ турдаги хиссадорлик жамиятларига айлантирилмоқда. Чунки эндиликда жамият истиқболи мулкчиликни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига

ЖАСОРАТГА ТЎЛА УМР

Келажаги буюк мустақил Ўзбекистон Республикаси озодлик ва истиқлол курашчилари, юрт фарзандлари, Бухорои шарифнинг икки буюк ўғлони устозу шогирдлар: улкан бадиий сўз санъаткори, зуллисонайн адиб-мавлоно Абдурауф Фитратнинг 110 йиллик тўйини ҳамда атоқли давлат ва жамоат арбоби, ажойиб инсон Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллик шодиёнасини кенг нишонламоқда. Зотан, улар ўзларининг қисқа, лекин мазмунли ҳаётларини зиддиятли, мураккаб ижодлари, ижтимоий-сиёсий фаолиятларини она-Ватан озодлиги, юрт тинчлиги ва истиқболи, жонажон халқининг бахту саодати йўлида элим деб, юртим деб яшаган, курашган бу йўлда жонини қурбон қилган улуғ сиймолардан ҳисобланадилар.

Файзулла Хўжаев ўзининг зўр истеъдоди, сиёсий ўткирлиги, ташкилотчилик фаолияти билан замондошлари орасида ёруғ юлдуздек порлади. Унинг дўстларидан кўра душманлари кўп эди. Жасоратга тўла умр бир неча бор суиқасду ўлимларга рўбарў келди. Кейинги йигирма йиллик иш фаолияти давомида у уч маротаба ўлим жазосига ҳукм этилди. У 1918 йилда амир Саид Олимхон томонидан, 1918 йилнинг кузида, Оренбург казак атамани Дутов томонидан отувга ҳукм этилганди. Лекин учинчи ўлим жазоси беаёв бўлди. Қизил империя жаллодлари томонидан чиқарилган ҳукм билан у 1938 йилнинг 15 мартида «Бутирка» турмасида отиб ташланди.

Файзулла Хўжаев Бухорои шариф шаҳрида 1896 йил 15 мартда айни Наврўзи айём-Гули сурх-ўрик гуллаган пайтда дунёга келган эди. Тақдир қисматини қарангки, у ўлими олдидан «Мен яшашни истайман» деган сўнгги сўзни айтди-да, лекин Наврўзни, ўрик гулини кўра олмай дунёдан кўз юмди. Файзулла Хўжаев юрагида бир олам армони билан кетди.

Бухорои шарифда бой-савдогар оиласида таваллуд топган Файзулла Хўжаев улуғ маърифатпарвар, ватанпарвар ва инсонпарвар буюк сиймо сифатида, юртбоши, давлат, жамоат арбоби сифатида тарихда ибратли из қолдириб кетди. У яшаб ўтган давр, ишлари келажак авлод учун ҳаёт, кураш мактаби бўлиб қолади.

***

Бухорои шариф кексаларининг айтишларича, манбаларда ёзилишича, Файзулла Хўжаевнинг етти пушти манғит амирлиги даврида қорақўл тери билан савдо-сотиқ ишларини олиб борувчи йирик савдогарлардан бўлган. Файзулла Хўжаевнинг ота-боболари асли бухоролик бўлиб, Хўжаевлар сулоласи: Ҳакимхўжа, Қосимхўжа ва Убайдуллахўжаларнинг суяги савдо-сотиқ-тижоратда қотган. Агар Бухоро амирлиги тарихида уч-тўртта номдор савдогар бой бўлса, шулардан бири Файзулла Хўжаевлар шажараси тарихига бориб тақалади. Тарихий манбаларда ёзилишича, Бухорои шариф ва Самарқанд кексаларининг нақл қилишларича, кейинги 150-200 йиллар ичида Хўжаевлар авлодлари савдода донг таратган, тижоратдан беҳад бойликларга эга бўлган кўзга кўринган бадавлат савдогарлардан саналган.

Файзулла Хўжаевнинг бобокалонлари Ҳакимхўжа, Қосимхўжа ва айниқса отаси Убайдуллахўжалар яшаган даврда савдо-сотиқ ишлари кенг ривож топган. Серфарзанд бўлган Қосимхўжанинг етти азамат ўғилларининг ҳаммаси тижорат билан шуғулланган. Улардан Убайдуллахўжа билан Латифхўжалар уддабуронлиги, ишбилармонлиги, савдо ишини юритишда зийрак ва чаққонлиги билан ажралиб турган.

Қосимхўжа ўғли Убайдуллахўжанинг Бухорои шарифда, Россиянинг йирик савдо шаҳарлари Москва, Санкт-Петербург, Нижний Новгород, Оренбург ва бошқа шаҳарларида савдо расталари бўлган. Шунингдек, Убайдуллахўжа бошқа хориж ўлкалар: Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Олмония, Араб мамлакатлари билан ҳам савдо-сотиқ ишлари олиб борган. Эл-юртга танилган Қосимхўжа ўғли Убайдуллахўжа турли шаҳарлар, мамлакатлар билан қорақўл тери, пахта ва заргарлик буюмлари билан савдо-сотиқ ишлари олиб борар экан, Россиянинг йирик савдо шаҳарлари Санкт-Петербург, Москва, Нижний Новгород, Олмониянинг Лейпциг, Эроннинг Теҳрон, Табриз, Туркиянинг Истамбул, Анқара шаҳарларида вақти-вақти билан ташкил этилган савдо ярмаркалари, савдо виставка-кўргазмаларида ўз моли билан қатнашар эди.

Дунё кезиб, тижорат орқали катта бойлик орттирган Қосимхўжа ўғли Убайдуллахўжа юрагидаги ягона орзу ёлғиз фарзанди Файзуллани тижорат йўлига тортиш, жамғарган барча бойликларини унинг ихтиёрига топширишдан иборат эди. Лекин тақдир отани бошқа йўлдан, боласини бошқа йўлдан бошлаб кетди.

***

Тижоратда суяги қотган Қосимхўжа ўғли Убайдуллахўжа ўз ҳисобидаги савдодан келган беҳисоб бойликларни ҳисоб-китобини олиб, кўнгил равшанлик тортди. Оренбург-Тошкент темир йўлининг очилиши Россия ва Ўрта Осиёлик савдогарлар учун нажот йўли, бахт йўли очилгандек бўлди. Зотан рус ва ўзбек савдогарлари қишнинг қаҳратон совуғи, ёзнинг жазирама иссиғида ўз молларини манзилларига туя, от, аравада олиб боргунча, она сути оғизларига келарди. Эндиликда Ўрта Осиёлик ва Россиялик савдогар бойлар бундай қийинчиликлардан тамоман қутулишди. Улар ўз товар-молларини тайёр вагонларга юклайдилар-да, кўзлаган манзилларига олиб бориб савдо-сотиқ ишларини олиб боравердилар.

Қосимхўжа ўғли Убайдуллахўжанинг келажакда тижоратдан келадиган мўл бойликларни ўйлаб, ўзича қатъий бир қарорга келди. Ёлғиз ўғлини ўзи билан Москвага олиб бориб, савдода Файзулланинг кўзини пишитиш ниятида бўлди. Убайдуллахўжа ёстиқдошининг қаршилик қилишига қарамай, Файзуллани ўзи билан Москвага олиб кетишга кўндирди.

Аввалига Москвадаги ҳаётга (1907-1912) кўниколмай, ўзи яшаб катта бўлган Бухорои шариф, меҳрибон онаси, қариндош-уруғлари, бирга ўсган ўртоқлари хаёлидан кетмай юрди. Лекин тез орада Россия ҳаёти, у ердаги турмуш, ўқишга у аста-секин кўника бошлади.

Ақлли ва зийрак ёш Файзулла Москвадаги турли миллат савдогарларининг болалари билан тил топишиб кетди. Москвадаги Убайдуллахўжанинг хонадонида у умид қилган чироқ ҳар куни, ҳар лаҳза порлаб турди. Ёш Файзулла Москвадаги рус, татар, озор, қозоқ, савдогар бойлар фарзандлари билан бирга таълим олди, бирга улғайиб ўса бошлади. У отаси билан тижоратни кўриш, савдо-сотиқ ишлари билан Россиянинг турли шаҳарларида бўлди. Руслар ва бошқа миллат халқлари ҳаёти, турмуш тарзи билан танишди. Лекин ёш Файзулла қаерда бўлмасин, ниманики кўрмасин ҳамма ерда меҳнаткаш халқнинг аҳволи ёмонлигини, турмуш аравасини тортиш оғир эканлигини ўз кўзи билан кўрди, қалби билан ҳис этди. Файзулла асримизнинг бошида Россия бўйлаб эсаётган озодлик, демократия учун халқнинг кураш тўлқинлари, инқилобий ҳаракатлар майдонга келаётганлигини зийраклик билан кузатиб борди.

Меҳнаткаш халқни зулм, зўрлик, қуллик асоратидан озод қилиш билан майдонга чиқаётган Россиядаги инқилобий ҳаракат ўсиб келаётган, камол топаётган ёш исёнкор Файзулла Хўжаевга ҳал аста-секин таъсир эта бошлайди. Ёш ислоҳотчи, Файзулла Хўжа хаёлидан она юрти Бухорони жаҳолатдан, зулм, зўрликдан озод қилиш орзулари сайқал топади. У энди отаси орзу қилган тижорат йўлидан эмас, балки халқни жаҳолат, зулмдан озод қилиш, инқилобий кураш йўлидан боришга қатъий қарор қилади. Файзулла Хўжаев Москвадан 1912 йилда бутунлай она юрти Бухорои шарифга қайтади. У Бухорода фаолият кўрсатаётган маърифатпарвар жадидлар ҳаракатига қўшилади.

Ўз даврининг илғор сиймолари: маърифатпарвар, илғор ғояли зиёлилар-жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндалари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдулвоҳид (Мунзим) Бурҳонов, Усмон Хўжа, Порсо Хўжалар билан яқиндан танишади.

У хорижда олган билимини, кичик ҳаётий тажрибасини ишга солиб, Бухоро мадрасаларида ўқиш билан бирга, жадидчилик ҳаракати қозонида қайнайди ва тез вақтларда маърифатпарвар жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган раҳбарларидан бирига айланиб қолади.

Россияда 1917 йилда бўлиб ўтган февраль рус буржуа инқилоби Ўрта Осиё халқларига, жумладан, Бухоро мусофотига ҳам ижобий таъсир этди. Бухоро амирлиги зулми остида эзилиб келаётган меҳнаткаш халқ озодлик, ҳуррият шиори билан майдонга чиқа бошладилар.

1917 йилнинг баҳорида Бухоро жадидлари эзилган халқни амирга қарши ислоҳот талаби билан намойишга отлантирдилар. Халқнинг бу оммавий намойишига жадидларнинг кўзга кўринган вакиллари Абдулвоҳид Бурҳонов, Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Абдурауф Фитрат ва бошқалар раҳбарлик қилгандилар. Бухоро манғит амирлигининг сўнгги ҳукмдори Сайид Олимхон ислоҳот талаби билан майдонга чиққан халққа қарши ўз сарбозларини ташлади. Намойиш қатнашчилари қаттиқланди, зиндонга ташландилар. Амирга қарши намойишни уюштирганлар қувғинга солиндилар. Амирлик салтанати учун энг хавфли ҳисобланмиш Файзулла Хўжаев Бухоро амири томонидан сиртдан ўлимга ҳукм этилди. Бухоро жадидлари таъқиб қувғинларга қарамай, амирлик салтанатига қарши ҳуррият, озодлик йўлида курашларини давом эттирдилар.

Ёзувчи Садриддин Айний, унинг дўстлари мулло Назрулло, Хожи Мирбоболар амир фармони билан 75 ва 150 дарра уриш билан жазоланиб зиндонга ташландилар. Лекин Когонда иш кўраётган рус ва мусулмон инқилобчилари тезда амир зиндонидаги тутқинларни озод қиладилар.

Файзулла Хўжаев, Абдулвоҳид Бурҳонов, Абдурауф Фитрат, Усмон Хўжалар маълум вақт амир таъқибидан қочиб юрадилар.

1918 йилнинг баҳорида Файзулла Хўжаев бошлиқ ёш бухоролик жадидлар, шунингдек, Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси большевик Ф. И. Колесов бошлиқ қизил гвардиячилар амир салтанатига қарши курашадилар. Лекин жадидлар ҳам, большевиклар ҳам бу курашда мағлубиятга учрайди. Шундан кейин Файзулла Хўжаев Тошкент, Самарқандда амир жаллодларидан яшириниб юриб, 1918 йилда Москвага кетади.

Файзулла Хўжаев 1918 йилнинг октябрида Москвага етиб келади ва РСФСР ҳукумат раҳбарлари шахсан Я. М. Свердлов билан учрашиб, у билан амирлик салтанатини агдариш борасида фикрлашади.

****

Баъзилар Файзулла Хўжаев йўл қўйган хатолардан бири унинг қизил қўшин қўмондони М. Фрунзени Бухорога эргаштириб келишидир, деб биладилар. Бу даъвони унчалик тўғри деб бўлмайди. Марказ Москвадаги большевиклар раҳбарлари, шахсан, шарқ халқларининг халоскори сифатида намоён бўлган «доҳий» В. И. Ленин, Қизил империя лашкарлари 1918-1919-йиллар орасида амирлик салтанатини тор-мор этишни режалаштириб қўйган эдилар. Бамисоли улкан довулдек шимолдан шарққа ёпирилиб келаётган империя қўшинини тўсиб қоладиган куч йўқ эди. Бинобарин, Ўрта Осиёни, қолаверса, бутун Осиёни ўз бало домига тортаётган қизил аждарҳонинг йўлига ўнлаб, юзлаб Файзулла Хўжаевлар ҳам ғов бўла олмас эди. Тўғри, В. И. Ленин ҳам, М. Фрунзе ҳам амирга қарши курашиб келган ёш бухороликлар ташкилоти ва унинг раҳбари Файзулла Хўжаевдан, ўша вақтдаги маҳаллий раҳбарлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланган бўлишлари мумкин.



Қизил империянинг босқинчилари қайси йўл билан бўлмасин Ўрта Осиёда тоталитар советлар тузумини қуриш, бу ўлкаларни ўз қўл остида сақлаб туриш ниятида барча найранг, низо ва адоватларни ишлатиб кўрганлар.

Қизил империянинг доғули раҳбарлари, инқилоб сиёсатдонлари Файзулла Хўжаев ва унинг тарафдорларини ўзларининг ёлғон ғояларига ишонтирган, қўшинлари ёрдамида ҳокимиятни ёш бухороликлар қўлига топширишга ёлғон ваъдалар берган эдилар. Халқни алдаш, аврашда бесуяк бўлган большевикларнинг бошлиқлари тезроқ Хива ва Бухорода инқилобни амалга ошириш ниятида 1919-1920 йилда қўмондон М. Фрунзе бошлик даҳшатли қизил қўшин босқинчиларини Тошкентга жўнатган эди.

Улар 1920 йилнинг февралида Хива хонлиги, 2 сентябрда эса Бухоро амирлигини бир неча уринишлардан сўнг тор-мор келтирдилар.

Янги ташкил топган Бухоро Халқ Шўролар ҳукумати раҳбари ° Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти ниқилобий кенгашнинг раиси (1920-1924), Шарқий Бухоро революцион Ҳарбий Кенгаши раиси, Бухоро Ташқи ва Ички ишлари нозирликларининг раиси (1921-1924), Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси, СССР Бутун Иттифоқ Марказий Ижроия Комитети Президиумининг олти раисларидан бири, СССР Ҳарбий Денгиз ишлари халқ комиссарларининг Ўзбекистон ССР бўйича вакили ва бошқа қатор масъул вазифаларни халқимизнинг севимли ва ардоқли фарзанди Файзулла Хўжаевнинг ёлғиз ўзи зўр фаоллик ва фидоийлик билан бажарганлигига қойил қоласан киши.

Файзулла Хўжаевда беқиёс ижтимоий-сиёсий куч, Аллоҳ таоло томонидан ато этилган ақл, фаросат, сабр-тоқат, инсонга ва Ватанга меҳр-муҳаббат ўз мужассамини топганлигига иймон келтирамиз.

Файзулла Хўжаев улкан давлат арбоби сифатида Ўзбекистон Республикаси ва бутун Туркистон элининг равнақ топишида зўр фаолият кўрсатиб ишлади. У ўзининг 12 йиллик Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси лавозимида ишлаш жараёнида бунёдкор халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт йўлида ҳормай-толмай фаолият кўрсатди.

Лекин у озодлик, истиқлол курашчиси сифатида ижтимоий-сиёсий кураш майдонига киргандан буён чин ҳуррият, ҳақиқий озодлик ва истиқлолни орзу қилиб келди. Файзулла Хўжаев маърифатпарвар сиймо сифатида ҳам давлат ва жамоат арбоби сифатида халқни қизил империя зулмидан, Россия босқинчиларининг мустамлака чангалидан озод ва бахтиёр кўришни орзу қилганди. Юрт фарзанди, ажойиб инсон Файзулла Хўжаевга ўхшаб минг-минглаб сиймолар эл-юрт эрки, озодлиги ва истиқлол йўлида қизил империя жаллодлари қўлида ноҳақ қурбон бўлдилар. Лекин уларнинг озодлик, мустақиллик йўлидаги курашлари беҳуда кетмади. Қабоҳат салтанати ° СССР парчалангач, Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар қатори Ўзбекистон Республикаси ҳам 1991 йил 31 августида ўз мустақиллигига эришди.

Келажаги буюк давлат қураётган Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигининг шонли 5 йиллигини нишонлашга зўр тайёргарлик кўрар экан, озодлик, истиқлол йўлида жон фидо қилган Файзулла Хўжаевдек садоқатли мард ўғлонларини ҳаргиз унутмайдилар.

Ватан истиқболи, халқ озодлиги, истиқлоли йўлида курашган Файзулла Хўжаев мангуликка дахлдор улуғ сиймодир.

Мажид ҲАСАНИЙ,
ёзувчи ва журналист.

Ўзбекистон-Ватаним маним

ҲАЙРАТГИР ҚЎШИҚЛАР ТАНЛОВИ

... Кўёш ўргилади ҳар бир сўзимдан,
Ҳайрат ўзлигини топар кўзимдан,
Райҳонлар эргаша бошлар изимдан,
Тарихингдан сўйласам жоним, Ватан,
Таърифингни куйласам жоним Ватан...

13 ёшли Анорангинг бу қўшиғи Андижон вилоят театри саҳнасидан жарангларкан, мусиқа қатидаги покиза туйғулар, ҳаяжонлар зални тўлдириб ўтирган томошабинларга ҳам тез юқди. Қалблар, вужудлар қулоққа айланди.

Ахир Ватан деганда, айниқса, Ўзбекистонда тупроғи зар, эли заргар, қуёши ёруғ, ниятлари улуғ Ватан деганда сўзлардан қуёш ўргилиши, кўзларда ҳайрат жамланиши, табиий. Чиндан ҳам бу Ватанда излардан райҳон унади, энг гўзал орзулар, шукроналар қалбини тўлдиради. Куйлаган қунгиллар усади.

«Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танлови шу жиҳатдан одатдаги танловлардан фарқлироқ ҳаяжонли, баҳсу мунозарага, орзуманд иштирокчига бой кечди. Республика танловига энг яхши қўшиқни тақдим қилиш учун Андижон вилоятининг аввал шаҳар ва туманларида, кейин вилоят миқёсида мингдан ортиқ қўшиққининг ҳайрату ҳаяжони кўрикдан ўтди. Шоирлар ўзининг Ватан ҳақидаги тушунча ва эътирофларини шеър қилдилар. Бастакорлар бу тушунча салобатини қўтара оладиган куй изладилар. Қўшиқчилар эса (Дарвоқе, улар 6 ёшли Машҳурбек исмли болакайдан тортиб, Пахтаободнинг Маданият қишлоғидан келган Собиржон отагача бор) муҳаббатини, шукронасини ижрога бахш этдилар. Жаранглаган қўшиқларнинг барида муҳаббат бор. Барида садоқат бор. Аслида ҳам шундай бўлиши керак эди. Муҳаббатсиз, ҳайратсиз қўшиқ яратиб бўлмайди. Буни томошабин ҳам, ҳакамлар ҳам сезиб туришди.

— Голибларни аниқлаш осон бўлмади, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси таниқли бастакор Ғуломжон Рузибоев. — Бири-биридан яхши қўшиқлар, янги овозлар топдик. Энг муҳими вилоят танловига келган ҳар бир ижрочи «энг голиб қўшиқ меники» деган ишонч билан саҳнага чиқди. Муҳаббати бутун қалбдагина шундай ишонч бўлади.

— Маданият соҳасида салкам уттиз йилдан буён ишлаётган бўлсам жуда кўп кўриклар, танловларга гувоҳ бўлганман, — дейди вилоят маданият ишлари бошқармаси бош мутахассиси Муминжон Абдувалиев. — Аммо Ватан ҳақидаги қўшиқлар танлови каби кўп иштирокчи, кўп томошабин қатнашган танлов кам бўлган. Шу уринда 70 ёшли Собиржон отанинг «Болам мустақил Ўзбекистон ҳақида куйламай туролмадим. Бугун танлов эканини эшитиб шарт ўрнимдан туриб Анжанга қараб йўл олавердим. Назаримда шу қўшиқни куйласам ёшаргандайман» деган гапларини эсламоқчиман. Тўғри, ота танловдан ташқари ижро этди. Аммо гап унда эмас, муҳими Ватан ҳақидаги қўшиқлар кўригининг нақадар оммалашганида, юракларга чуғ солганида.

Танлов жуда ҳаяжонли утди. Бош совринга жамоалар бўйича Андижон тиллар педагогика институти бадиий жамоасининг Мухтор Умархўжаев шеърига Мансур Абдулхаев мусиқаси билан ижро этилган «Ёниб яшайлик» қўшиғи сазовор бўлди. Андижон мақом дастаси жамоаси, Избоскан туман «Олтинсоз»дастаси жамоаси иккинчи, Тухтасин Жалилов номидаги санъат билим юрти бадиий ҳаваскорлари, Андижон муҳандислик ва иқтисодиёт институти, Марҳамат тумани бадиий жамоалари учинчи ўрин соҳиби бўлдилар.

Танлов энг яхши яккахонлар айтган қўшиқларни ҳам саралаб берди. Бу борада Олтинкўллик 13 ёшли мактаб ўқувчиси Анора Бадалхўжаеванинг «Хурсан, Ватаним» қўшиғи, вилоят театри артисти Шарофат Тожибоеванинг «Ўзбекистон яйрасин»,«Ватан» дастаси солисти Авазбек Мамлабоевнинг «Аскарнома», Асакалик Маҳаммаджон Матисаевнинг «Ўзбекистон Ватаним», Пахтаободлик ака-ука Юсуповларнинг «Юртлар саркори» катта ашулалари билан ҳам танлов голиби бўлдилар. Навбат республика танловига.

Замира РЎЗИЕВА

ЮРТ ИСТИҚБОЛИ ТИЛЛАРДА

Шу кунларда республикамиз бўйлаб ўтаётган «Ўзбекистон-Ватаним маним» курик-танловининг якунловчи босқичлари ниҳоясига етмоқда. Кўплаб ижодкорлар уз иқтидорларини яна бир бор синаб кўрмоқдалар.

Куни кеча Муқимий номидаги мусиқали театрда Тошкент вилояти туманлари бадиий ҳаваскорлари ва санъаткорлари вилоят биринчилигининг якуний босқичида иштирок этдилар. Курик-танловда Ватанни мадҳ этувчи 41 қўшиқ ижро этилди. Она диёр тараннуми турли касб ва ёшдаги ижрочилар талқинида мароқли оҳангларга ҳамоҳанг дилларга сурур солди. Ҳар бир қўшиқ ўзгача оҳанг, ўзгача тароват касб этди. Шу сабабли голибни аниқлаш анча мушкул бўлди.

Зоҳиджон Обидовнинг «Она юртим» шеърига халқ куйи билан ижро этган Бўка тумани маданият уйи қатнашчиси Баҳтиёр Умиров голиб бўлди.

Барча иштирокчиларнинг тайёрлаган қўшиқларида ягона мавзу-Ўзбекистоннинг мустақиллиги мадҳ этилди. Кўнгиллардан куйқўшиқларга, оҳангларга айланган юрт истиқболига ишонч, фахр туйғуси катта шодиёнага айланган тадбирда мароқ билан мадҳ этилди.

Ойбек ВЕЙСАЛ ўғли.

Зардўзлик

ЛАТОФАТ БАХШ ЭТГУВЧИ БЕЗАК

Узбек халқининг амалий безак санъати-зардўзлик қадим мозийдан бўён шаклланиб келаётган соҳадир. Чеварликнинг санъаткорона мазкур намуналари узоқ ўтмишда тилларда достон ҳам бўлган.

Археологик топилмаларга асосланган тарихий маълумотларга қараганда Ўрта Осиёда зарбоф кийимлар ва безакли бадиий буюмлар эрамизнинг I асрларида ҳам ишлатилганлиги маълум. Жумладан, Тошкент вилояти ҳудудидаги қазилмалар вақтида аёл кишининг зарбоф кийими топилганлиги қайд этилган. Текширувлар мазкур топилманинг I-II асрларига тўғри келишини кўрсатди. Демак, қадимқадимдан аёлларимиз безакли зардуз билан янада латофатли бўлишган. Ўрта Осиёда ўрта аср ёзма манбаларидан Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси»да 1442 йили Ҳиндистон билан Ҳирот орасида турган элчиларнинг совғалари ичида зарбоф кийимлари бўлганлиги тўғрисида маълумот берилади. Ўша даврга оид «Ишратхона» мақбараси ҳақидаги ҳужжатларда зарбоф кийимларнинг кўпгина нусхалари хусусида гап кетади. Ҳиротлик шоир Васифийнинг рисолаларида ҳам зарбоф кийимлар ва уларни яратувчи зардузлик касби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Зардўзликнинг турли ҳудудларда ўзига хос услублари шаклланган бўлиб, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабзда ўз маҳорат мактаблари бўлган. Дид билан қимматбаҳо матоларга безак тариқасида ишланган зардузи сарполари маҳаллий аҳолининг турли табақалари ўртасида кенг тарқалган. Бу кийим-кечаклар асосан зодагонлар, амир саройидагилар, савдогар, бойлар учун моҳир усталарга буюртма беришиб, тикдирилган. Бири-биридан латофатли зарбоф камзул, чакмон, чалвир, белбог, салла, дуппи, кулоҳ пойафзаллар шу тариқа яратилган. Тарихчиларнинг маълумотига қараганда бирорта амалдор ҳам ўз сармоясига бундай шоҳона сарполарни буюртириб кийишга ҳуқуқи бўлмай, зарбоф кийимлар фақатгина амир томонидан совға тариқасида инъом қилинган экан. Зардуз косиблар санъаткорига ҳазрати Юсуфнинг назарлари тушган, уларнинг пири ҳисобланган. Зеро, зардузи либосли кишининг мафтункор, виқорли юриш-туриши албатта диққатни тортмай қўймайди. Узининг жилоси ва жилваси билан «Дилбар», «Лола», «Товус», «Чуст» номли дуппилар бир-биридан мафтункор.

Халқимиз эъзозлаб мазкур ноёб ҳунарни авлодлан авлодларига мерос қолдириб келишмоқда. Бухорода айниқса зардўзлик тараққий этган бўлиб, хонлик ва амирлик даврида подшо саройида махсус дуконларда тикилган.

Уша даврда Бухорода моҳир қўлли 350 зардузи усталарнинг олдига тушадигани бўлмаган. XIX аср охири XX аср бошларида ҳам Бухоро ва Самарқандда эркак кишилар зардузлик санъати билан шуғулланган. Бухоролик усталар Юсупов, Ҳайдаров ва самарқандлик Абдурауфов номлари тарихга муҳрланди. Ҳукмрон синфининг юқори табақасига хизмат қилган бу санъатда таназзул аломатлари кейинчалик кучлироқ сезилди. Сийрак олтин учқунларидек қора бахмалда чақнаб турадиган нақшнинг безаклик ифодасини жуда нозик ҳис қиладиган усталарнинг истеъдоди буюрмачиларнинг айниб бораётган дидлари таъсири остида қолди. Баъзи вақтларда зардўзлик заварокининг ясама хилига айланди ёки ўзлигини йўқотиб ҳунук услублар қурамасига айланиб ҳам қолди. Узбек халқининг севимли шоири ва ёзувчиси Абдурауф Фитрат мазкур санъат асарининг фидоийси эди. У униб ўсган муҳитни зардузлар мамлакати деса булади. Шу боис Фитрат буш вақтларида кийим ва матоларга зардан ажойиб кашталар тиккан эканлар

Зардузлик санъат сифатида асрлар оша инсониятни гузалликка, эзгуликка чорлаб келди.

Ҳосият УЗОҚОВА.

ХОТИН-ҚИЗЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон иқтисодиёти соҳасида ислоҳотларни амалга оширишда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, кичик ва хусусий табдиркорликни ривожлантириш масалалари республика хотин-қизлар қўмитасининг Тошкентда ўтказилган пленуми диққат марказида бўлди. Пленумда вазирликлар ва идораларнинг, республика жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, вилоят ҳокимликларининг ўринбосарлари, вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг раислари иштирок этдилар. Пленумни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Дилбар Ғуломова очди.

Республикада катта миқёсдаги ўзгаришларни амалга оширишда хотин-қизларнинг тутган ўрни масаласи ушбу анжуманда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Анжуман қатнашчилари Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари хотин-қизлар қўмиталарининг иш тажрибаси билан танишдилар тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги ишларидан бохабар бўлдилар.

Пленум иштирокчилари «Истиқбол, қадрият ва аёл» деб аталмиш республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Кўрик-танлов Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланади.

Темур ТУРСУНОВ.

Бизнинг маслаҳат

ФАҚАТ АЁЛЛАР ЎҚИСИН!

Баҳор кирганда одам танаси аъзоларида маълум ўзгаришлар рўй беради. Баъзи заиф аъзоларнинг фаолиятини яхшилаш учун турли муолажалар керак бўлади. Масалан, жигар, ошқозон ва бошқа ички аъзолар фаолияти бузилмаслиги учун наъматак, кўкатлар истеъмол қилиниши яхшигина наф беради. Баъзи аёлларнинг эса баҳор фаслида кўпинча юзларига доғ тушади, сепкил пайдо бўлади, терилари қурийди.

Қуйида тавсия қилинадиган маслаҳатлар ва рецептлар аёлларга мўлжалланган.

* * *



Ҳар куни ҳеч бўлмаса бир марта қуйидаги салатни истеъмол қилиш фойдадан ҳоли эмас: қизил сабзи, олма ва лимон шарбатини, ҳаммасини қиргичдан ўтказиб, яхшилаб аралаштириб нонсиз узини ейиш керак.

Наъматакни термоса дамлаб, ҳар куни 200 граммдан ичиб туринг.

Сутга «геркулес», гурун солиб пиширib ейишга урганинг.

Юзингиз тоза бўлиши учун ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта ичакларни тозалашни унутманг. Ширинликдан узингизни тийинг.

Асал, тухумнинг сариғи, зайтун ёғидан ажойиб ниқоб тайёрлаш ва юзга ҳар куни суртиб туриш чеҳрангизни ёқимли қилиб, ёшартиради.

Мабодо қўлларингиз қорайиб, териси қуриса, картошка, лавлаги, сабзи қайнаган сувга 5-6 минутча солиб, ушлаб туринг. Кейин егли крем суртиб, қўлингизни бироз уқаланг. Натижасини бир ҳафта ичида кўрасиз.

Қатиққа укроп ва петрушкани майдалаб солинг ва бу ниқобни 20—30 минут юзингизга суртинг. Сўнг илиқ сувда ювиб ташланг.

Тиниқ юз саломатлик, хуш кайфият, яхши ниятларингиз натижасидир. Аммо, юзим бўлганда, «дермакол», турли упа-элар билан юзга пардоз бериш мумкин. Лекин бу ниқоб остида ҳам рангсиз, қонсиз, доғ босган юзингизга барибир кимдир диққат қилади. Бу эса дилингизни хира қилиши табиийдир. Шунинг учун кремларни ишлатишда эҳтиёт бўлган маъқул. Айниқса, иссиқ иқлимда грим қилавериш яхши эмас. Ундан кўра юзингизни кўпроқ тоза ҳаводан нафас олиши, қуёш нуридан баҳраманд бўлиши ҳамиша яхши натижа беради. Сепкилларингиз бўлса бўлар, баъзиларга сепкиллар жуда ярашади. Оппоқ мармардек рангсиз юздаги табассум ҳам ясамага ўхшайди. Соддароқ бўлган кишига латофат бахш этади. Қалбингизда меҳр бўлса, у энг аввал юзингизда намоён бўлади. Асосий ҳақиқий гўзаллик эса шудир.

Оддий, юмшоқ упадан фойдаланинг. Камтаргина пардоз қилинг, сизга табиатдан берилган хусниингизни ниқобламанг. Ниқоб фақат тантанали кунларда, байрамларда, кино ва суратларга тушишда қўлланилса ярашади.

Соч ҳам ҳусн. Шу боис сочни парвариш қилинг. Юзга етти хил бўёқ бериб пардоз берсангиз-у, сочингиз кимёдан чарчаган, тўкилиб кетган, учлари куйган бўлса жуда хунук кўринади. Демак, бунинг чорасини излаш керак. Яъни қатиқ, тухумнинг сариғи, хина, басма, қарағай пустлоғи, газанда ўт, тирноқгул, мойчечак, пиёз каби воситалар сочни ўстириб, рангини ва ҳолатини яхшилайди. Мана шу воситалардан фойдаланиб сочни парваришлашга ниҳоятда эътибор беринг.

Ҳар куни қулоқларингизни аста-секин уқалашдан эринманг.

Ҳеч қачон асабингизни бузманг. Асаб биринчи галда чеҳрангизни узгартиради. Сабрли ва меҳрли бўлинг.

МАНА БУ САЛАТЛАР ҲАММАГА ФОЙДАЛИДИР:

1. 100 грамм қирилган қизил ва сариқ сабзи, 100 грамм қирилган қовоқ (жуда ширин бўлсин), 2 дона қирилган олма, 1 ош қошиқда лимон шарбати. Яхшилаб аралаштириб овқат олдидан ейиш керак.

2. 100 грамм шовул, 1 дона пиширилган тухум, 1 дона пиширилган картошка, кўк пиёз, петрушка, укроп, 1 қошиқ зайтун ёғи, озгина туз қушилган салат ниҳоятда хуштаъмдир.

3. Сельдерей, кўк пиёз, 1 дона тухум, 1 қошиқ зайтун ёғи, туз.

4. 100 грамм қайноқ сувда 1-2 минут қайнатилган (газанда ўт), 1 дона тухум, кўк пиёз, укроп, туз, 1 қошиқ зайтун ёғи қушиб тайёрланган салат.

5. Газанда ўт, момоқаймоқ, кўк пиёз, укроп, саримсоқ, редиска, туз ва 1 қошиқ зайтун ёғи ёки қатиқ қушиб тайёрланган салат.

6. Мана бу чой эса ҳаммага ёқади: наъматак, сариқ чой ўти, ҳужагат барглари, қорагат барглари, ялпиз-ҳаммаси икки қошиқдан (фақат газанда ўт 1 қошиқ), термосда 1 литр сувга дамланади, кечаси билан турали. Эрталаб, сузиб, яна қайноқ сув қушилади (ярим стаканга ярим стакан сув) кейин асал қушиб ичилади.

З. ЭШМИРЗАЕВА.

Қарши тиббиёт билим юрти 50 ёшда

ШИФОКОРЛАР МАСКАНИ



Қарши шаҳридаги Тиббиёт билим юрти яқинда ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлайди. Бундан роппа-роса ярим аср илгари билим юрти ташкил этилиб, 31 талаба фельдшер-акушерлар тайёрлаш бўлимига қабул қилинган эди. Шундан бери бу даргоҳни 20 мингдан ортиқ талаба битириб чиқди.

Айни кунда билим юртининг кундузги бўлимида 1556 нафар, кечки бўлимида эса 236 нафар талаба шифокорлик сирларини ўрганишаяпти.

Улар ҳамширалик, тиш техниклиги, санитар-фельдшерлик, даволаш иши, доялик иши, фельдшер-лаборантлик мутахассисликлари бўйича таҳсил олишмоқда.

Билим юртида юқори малакали ўқитувчилар бўлажак шифокорларга тиб илмининг нозик қонун-қоидаларидан сабоқ берадилар. Улар орасида битта профессор, иккита фан номзоди, 13 та олий, 47 та биринчи ва 43 та иккинчи тоифали педагоглар бор. Ёшларга ўз

Машриқзамин дарғалари

ЗАРДЎШТ ВА УНИНГ ТАЪЛИМОТИ

Шарқнинг илк файласуфи, нотиқи, шоири, халқ доҳийси ҳисобланмиш Зардўшт эрамиздан олдинги VII асрда яшаган. У Хоразм ҳокимлигига қарашли ҳудудларда чорвадорлик билан шуғулланувчи Спитама уруғига мансуб бўлган. Отасини Паурушасна, онасини эса Дугдова деб аташган. Зардўшт чорвадор қавмларнинг урф-одатлари, расм-русумларини қунт билан ўрганган.

Қадимда ота-бобосларимиз ҳар хил динларга эътиқод этишган, у билан боғлиқ кўплаб расм-русумларни ҳам бажаришган. Жумладан, ҳар бир қабиланинг ўз худоси бўлиб, унга қурбонлик қилиш одати кенг тарқалган. Чорвадорлар орасида далама-дала кезиб юриб, мўйсафидлар гурунгида кўп бор қатнашган Зардўшт қурбонлик натижасида чорва моллари-нинг камайиб кетаётганини кўради. Қолаверса, қабилалар орасидаги низо ва қирғин-урушларнинг негизи ҳам мана шу кўпхудолилик одати билан боғлиқлигини англаб етади. Кўпхудолиликнинг зарарини тўла тушуниб етган Зардўшт йигирма ёшида ўзининг нор туясига миниб (Зардўшт ° сариқ туя эгаси демакдир) қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезади ва яккахудолик ғоясини тарғиб этади, ўз эътиқоди йўлида фидойилик кўрсатади. Ўн йиллардан кейин ягона худо Ахурамаздани кашф қилиб, қабила, уруғчилик эътиқодларига қарши яккахудолик ғоясини тарғиб қилишда давом этади. Ўз ғоясини амалга оширишда у инсон руҳиятига яқин турадиган халқ шеъриятидан, қўшиқларидан усталик билан фойдаланади.

Зардўшт шоҳ Гуштаспнинг вазири Фрашаштранинг қизи Ҳавовига уйланган бўлиб, Иставатра, Урвататнара, Хваречитра номли уч ўғли ҳамда Френи, Трити, Поуричиста номли уч қизи бўлган. Доро I ҳукмронлиги даврида расмий давлат дини зардўштийлик бўлган.

Зардўшт 77 ёшида олтин суви билан зарҳалланган бинода ибодат пайтида кўпхудолик тарафдори, шоҳ Аржаспнинг содиқ навкари Братарвахш томонидан чавақлаб ўлдирилади. Аммо унинг таълимоти, асос солган дини Ажам ўлкаларида ислом мажбуран қабул қилдирилгунга қадар муқаддас эътиқод бўлиб қолади. Ҳозир ҳам Жанубий Ҳиндистонда юз мингдан зиёд, Шимолий Эронда бир неча минг киши зардўштийлик эътиқодидадирлар.

Ўрта Осиё халқлари орасида, баъзи удумлар юзасидан шам ёқиб қўйиш, тўйларда гулхан ёқиб, унинг атрофида базм уюштириш, келинни гулхан атрофида бир айлантиргач, уйга олиб кириш; чавандозларнинг катта гулхан алангасидан сакраб ўтишлари, йўргакланган чақалоқни гулхан устидан у ёқ-бу ёққа отиб олиш каби урфлар ҳам оташпарастликнинг ҳамон сақланиб келаётган удумларидан биридир.

1278 йили Баҳром ибни Пажду форсий тилда 1570 байтдан иборат «Зардўштнома» достонини яратган. Маснавийда Зардўштнинг туғилишидан Балхда ўлдирилишигача қадар кечинмалари саргузашт тарзида ифода этилган бўлиб, уни ислоҳотчи, халқни адолатга, маърифатга, яратувчилик, яхшиликка даъват этувчи мутаффакир сифатида тасвирланади. Мазкур достонда: «Кунлардан бир кун пахлавий, деб аталадиган ёзувда бир китоб кўрдим. Унда ўтган шоҳлар ва жаҳон тарихи ҳақида ҳикоя қилинарди. Оқил Зардўшт келтирган «Авесто» хусусида нақл қилинарди. Бундан ташқари, унинг бутун саргузаштлари ёзилганди. Лекин у ҳамма ўқий оладиган ҳолатда бўлмай, титилиб, йиртилиб кетганди. Мен уни янгилаб, келажак авлодларга етказмоқ учун ушбу маснавийни битдим» дейилади.

«Авесто» зардўштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг илк саҳифалари X-IX асрларда яратилган бўлса-да, 548—529 йиллар орасида Зардўшт томонидан такомиллаштирилган. Кейинчалик Жанубий Эронда оташпарастлик динининг уламо-коҳинлари томонидан янги боблар билан тўлдирилиб, кўчирилган. Бу китоб 12 минг ҳўкиз терисига битилган. Македониялик Искандар Шарқни забт этганда унинг нодир нусхасини Элладага элтиб, кераклисини таржима қилдирган, қолганини эса куйдиришга буюрган. Эрамизнинг I—III асрларида «Авесто» бир неча бор кўчирилган, қайта тикланган. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, барча тадқиқотчилар «Авесто»нинг «Виневдат» вариантида учрайдиган Марв, Бақтрия, Ҳирот, Сўғд, Нисо, Хоразм, Сейистон, Амударё, Сирдарё каби жўғрофия атамаларга асосланиб, «Авесто»нинг ватани Ўрта Осиё ва унга чегарадош юртлардир, деган қатъий хулосага келадилар.

Араблар VIII асрда Эронни забт этганда зардўштийликка садоқатини сақлаган бир неча минг аҳоли Жанубий Ҳиндистонга қочиб ўтадилар. Улар қадимги маданият, адабиёт ва эътиқодга доир ёдгорликларни ҳам ўзлари билан элтадилар. Жумладан, «Авесто»нинг тўртдан бир қисмининг энг нодир нусхасини ҳам ўзлари билан олиб кетганлар.

1728 йили инглиз олими Жорж Боуже «Авесто»нинг бир нусхасини Оксфорд коллежининг кутубхонасига топширади. Бомбайдаги Кома шарқшунослик институтида француз олими Анкетиль Дюпарон 1771 йил нашр эттирган китоби сақланади. Бу институт зардўштийларнинг маданий марказидир. Китоб 1615 йилда парфиёни ёзувида кўчирилган бўлиб, 672 бетдан иборат.

Сосонийлар давридаги «Авесто»нинг нусхаси ҳозиргидан анча катта бўлган. У 21 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб бир неча фаслларга бўлинган. Машҳур зардўштийшунос Э. Вехтнинг таъкидлашича, бу нусха 345 мингу 700 калимадан ташкил топган. Ҳозирги қисмлар эса, 28 минг калимадан иборат, холос. Бошқача қилиб айтганда, бизга қадар сосонийлар давридан кейин кўчирилган «Авесто»нинг тўртдан бир қисмигина сақланиб қолган.

«Авесто»да адолат ва сулҳ худоси Хварна шундай таърифланади: «Эй... Хварна! Жаҳонда тенгсизсан, сен давлату амният ҳомийси. Сен туфайли адолат тирилди, нозу-неъмат кўпайди, одаму паррандалар сони ошди. Баҳорда гулу дарахтларнинг яшнаши, табиатнинг ямяшиллигию гўзаллиги сендандир. Кимдаким ёмонликни ёд этгай, хирод топмагаю, камолга етмагай. Сен бор экансан, замона бадбинлари омон топмагай. Сен мағрур туриб, дили нопоку тили бадгўлардан қуролингни аямайсан».

Мазкур обидада иқтисодий ҳаёт, жўғрофия, фалакиёт, илму нужум, ижтимоиёт, биология, фалсафа ва тиббиётга доир кўп қимматли маълумотлар мавжуд. «Авесто»даги тиббий далиллар ота-боболаримизнинг табобатга доир қарашлари рим, юнон ва араб табобатидан кўҳна ва узоқ тарихга эга эканлигини кўрсатади.

«Авесто»да инсон организми, мушак, суяк, тери, мия, асаб, бадан, тук, томир ва қонга (асаб ва мия ° ерга, бадан туки дарахтга ўхшатилган), бадандаги томирлар қора қонли томирлар, қизил қонли томирлар ва оқ, яъни қонсиз томирлар (асаб)га бўлинган.

Баданнинг қуввати эса жон, виждон, тан, идрок ва азалий руҳ каби 5 қисмга бўлинган. «Жигар қон манбаи бўлиб, ўнг томонда жойлашган», дейилади.

«Авесто»да ер, сув, замин, хона, бадан, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутиш, сақлашга алоҳида эътибор берилган. Унда гўристонларни шаҳар ва қишлоқлардан йироқда-баландликда жойлаштириш, уни ўраб қўйиш, мурдашуйларни махсус тозаликка риоя қилиши, мурда теккан либос, ерларни қатрон қилиш хусусида фойдали маслаҳатлар мавжуд. Инсон ёки ҳайвон ўлиги тушган сой, ариқ, ҳовуз, қудуқларни бир неча бор қатрон қилиш (сувга тўлдириб бўшатиш, ёмғир суви билан ювиш, тўлдириб бўшатиш) таъкидланади.

«Ахурамазда жавоб берди: ўт-ўланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган, сувлар ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ердир. Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган (гизо тополмайдиган) ер энг ёмон заминдир». Ерни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахслар «400 қамчи уриш жазосига» гирифтор қилинарди. Инсон яшаётган хонада ювиниш ва чўмилиш қатъиян ман этилган. «Авесто»даги муҳит тозалигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш воситаларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1.Ахлатларни бекитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош, кул билан кўмиб ташлаш. Шу йўл билан микроблар ўлдирилган ёки камайган.

2. Оташ, иссиқлик ва совуқлик таъсири билан йўқотиш. «Авесто»да оташ покловчи ва офатни кетказувчи восита ҳисобланади. У билан ҳатто кийим-кечакларни зарарсизлантириш мумкин.

3. Кимёвий йўл: кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар (исфанд-иссиқ, михак, садаф, пиёз, алоэ, сандал) тутатиш йўли билан. Буларнинг кўпи ҳозир ҳам микробкушдир. Касаллик тарқатадиган ҳайвон ва ҳашоратларни йўқотишга даъват этилган ҳолда «Авесто»да уй жониворларини эҳтиёт қилишга чақириш кучли бўлган. «...уй ёки ов итини ўлдирган киши 10000 барсум, 10000 риҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги-жарима бериши, шунингдек, у 1000 эчкиэмар, 1000 та сув қўнғизи, касал тарқатувчи пашшани ўлдириб, гуноҳини ювиши лозим».

«Авесто»да иссиқлик, совуқ ҳаво, очлик, пурхўрлик, руҳий изтироб бузилган таомни ейиш, тозаликка риоя қилмаслик; Аҳриман юборган қурт, пашша ва бошқа ҳашоратлар, ёмон ҳаво касалликларнинг асосий манбаи, 9999 касалликни Аҳриман пайдо қилди, дейилади.

Эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса унга тамға босишар ёки занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. Баъзан бундай эркакни қопга солиб калтаклашган. «Авесто»да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла 2—3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовор, деб уқтирилади.

Қадимий обидада касалликларни интизом, парҳез, дуо, дори, жарроҳлик йўллари билан даволаш айтилади ва доривор ўсимликларнинг номи берилган: шира, барг, дон, гул, мева, бута, гиёҳ илдизи, зира, пиёз, седана, савсан, қатрон, найшакар, хурмо, сабзи, беҳи, шакар, асал, зайтун мойи ва бошқалар... Жарроҳликда асил шаробга наша қўшиб бериб, беҳуш қилиб кесишган. Буқротнинг табиблар қасамномаси келтирилган; табобат рамзи-илон заҳар сочаётган идиш-жом тасвири ҳам илк бор шу китобда берилган. Унда қадимги кишиларнинг ўртача умри 800—900 йил бўлиши, айрим одамлар яшаш шароити, муҳитига қараб 1400 йилгача умр кўриши мумкинлиги уқтирилган. Хуллас, қадимги аждодларимиз яратган «Авесто» дунёдаги энг кўҳна ноёб билимлар хазинасидир. Унда оламдаги барча-диний, дунёвий, табиий фанлар бўйича теран мулоҳазалар мавжуд.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

БОЛАЛАРГА МУРУВВАТ

Самарқанд вилояти ҳокимлиги болаларга яна бир меҳр-мурувват кўрсатди. 3000 нафар ўгил-қизга вилоят ҳокими А.Мардиевнинг дил сўзлари битилган табрикномаси, пул ва совғалар тарқатилди. Бундай меҳрибонлик вилоятда 2-сил касалликлари шифохонасида даволанаётган, «Оҳалик», «Шадго»,«Қуёшжон» санаторийсида соғломлаштирилаётган болалар ва 5-махсус болалар боғчаси тарбияланувчиларини айниқса қувонтирди.

2-сил касалликлари шифохонасида даволанаётган болаларга ҳоким номидан совғаларни вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳайитова топширди.

«Ишонч» мухбири.

Солиқчига синчковлик одат

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Қиргули туманида хусусий тижорат дўкони сотувчиси Равшан Тўхтасинов 38 турдаги 9110 сўмлик маҳсулотларни ҳеч қандай ҳужжатсиз пуллаётганида солиқчилар қўлига тушди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

***

Фарғона шаҳридаги «Муродбек» хусусий фирмасига қарашли дўкон сотувчиси Ш.Абдиев эса сифат сертификатсиз 9060 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини имижимида пуллаётган пайтида ушланди.

***

Тахиатош шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари Н.Саримсоқов ва И. Сотканбоев харомхўрлик билан пул топишда «донг» таратган Т.Бегимов ва Г. Воробьевнинг «оёғи»ни қаттиқроқ «босиб» қўйиб балога қолдилар. Шундан кейин харомхўрлар «бизнинг тинчимизни бузадиган сенмисан», деб солиқчиларни одамлар кўзи унгида калтаклашга тушдилар.

Шу иш юзасидан жиноий иш қўзғотилиб Т.Бегимов 2 йилга, Г.Воробьев эса уч ярим йилга озодликдан маҳрум этилди.

***

Норин туманида истиқомат қилувчи Шуҳратжон Абдуллаев Жийдакапа қишлоғига ноқонуний йўллар билан ун келтириб 27 сўмдан пуллаётганида қўлга тушди.

***

Янгиқўрғон тумани шоҳбекатида эса янги чиққан «тадбиркор» Н.Маматжонов фаолияти тўхтатилди. У ҳеч қандай ҳужжатларсиз 36 турдаги 3557 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб ўтирган эди. Маҳсулотлардан 13 хилининг истеъмолга яроқли эканлигини тасдиқловчи сертификати ҳам йўқ эди. Бундай маҳсулотлар фойдадан кўра кўпроқ зарар келтириши табиий бўлганлиги учун далилий ашё сифатида йиғиштириб олинди. Текширув юзасидан тузилган ҳужжатлар чора кўриш учун тегишли жойга юборилди.

***

Янгиер шаҳар деҳқон бозорида солиқчилар ўтказган текширув давомида фуқаро Бахтиёр Андақуловнинг ҳеч қандай ҳужжатсиз тадбиркорлик билан шуғулланаётганлиги аниқланди. У 120 дона целлофан пакетчага жойлаган маккажўхори таёқчаларини оғзига сиғган нархларда пуллаётган эди. Шу ишни аввал рўйхатдан ўтиб, патент олиб қилганида ҳеч ким индамасди. Қонунни бузганлиги учун мана энди каттагина жаримага тушиб ўтирибди.

***

Самарқандлик И.Исмоилов якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида қайд гувоҳномасини олишга олди-ю лекин даромад ва ҳаражатлар дафтари юритишга келганда ҳафсаласизлик қилди. Солиқчилар ўтказган текширув пайтида сотувдаги 78 кило шакар, 270 кило ун ва яна бир қатор маҳсулотлар дафтарчада қайд этилмаган эди.

Солиқчилар қонун бўйича иш тутиб, ҳисобда йўқ маҳсулотларни вақтинча мусодара этдилар. Тузилган ҳужжатлар бўйича дастлабки суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Чамаси «Қинғир иш- келтирар ташвиш» деган гапни ҳар бир тадбиркорнинг дўконига ёзиб қўйиш керакка ўхшайди.

***

Гулистон шаҳар «Мустақиллик» кўчасида жойлашган хусусий дўконда солиқчилар текширув ўтказишганда сотилаётган спиртли ичимликлар сифатини тасдиқловчи сертификатлар топилмади. Дўкон мудири Абдурасул Самадов олдинига сертификатни қидирган бўлди. Кейин эса бу ҳужжат умуман олинмаганлигини тан олди. Энди бу масала ҳал бўлмагунча 3080 сўмлик спиртли ичимликлар сотилмай туради. Яна одамлар синалмаган ичимликларни ичиб заҳарланиб қолмасинлар, деган ҳавотир билан солиқчилар шундай қарорга келдилар.

Давлат солиқ қўмитаси
Матбуот хизмати.

ҚУТЛОВ

Қадрли ҲАЛИМ ота БОҚИЕВИЧ!



Яратганнинг ўзи ҳадя қилган улуғ неъмат-тириклик инсон учун катта бахтдир. Узоқ-умр кўриш, пиру бадавлат бўлиш, эл назарига тушиш, эл дуосини олиш эса нур устига аъло нур дейдилар.

Не бахтки, мана бугун таваллуд топган кунингизга тўқсон йил тўлибди. Ана шу сана билан Сизни чин дилдан қутлаймиз ва самимий тилак-истакларимизни йўллаймиз.

Ҳалим ота!

Сиз ўзингизнинг меҳнат фаолиятингизни 1926 йилда болалар уйининг тарбиячиси бўлиб бошлаб, турли лавозимларда, газетанинг оддий муҳаррирлигидан тортиб то республика марказий газетасининг маҳсус мухбири туман, вилоят газеталарини бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатиб давлат, партия, хўжалик органи раҳбари даражасига етдингиз.

Сиз 9 йил давомида Сурхондарё вилоят касаба уюшмаси раиси сифатида аҳолининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилдингиз.

1971-1973 йилларда Узспортторгнинг филиалида, 1973-1983 йилларда Термиз шаҳар савдо бошқармасида кадр бўлими бошлиғининг муовини сифатида ишлаб хизматчиларга инсоний эътибор бериб келдингиз.

Табаррук ёшга тўлган кунингиз муносабати билан яна бир бор қутлар эканмиз, барча савдо ходимлари номидан Сизга мустаҳкам соғлиқ, баракали умр, хонадонингизга осойишталик ва тотув ҳаёт, бахт-саодат ёр бўлишига астойдил тилакдош эканлигимизни изҳор этамиз.

Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмасининг Марказий Қўмитаси

«Ўзбексавдо» ассоциация Ҳайъати



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Фотон» орбита-сервис корхонасининг юзлаб мижозлари бор. Уларнинг барчаси «Фотон»нинг хизматларидан мамнундирлар.

Суратда: 3-тоифали телеуста Абдуманноп Муҳамедов ҳар бир буюртмани аъло даражада бажариб келади.

Усмон УСМОНОВ
сурати.

Ўзингизни билинг!

КИМСИЗ?

Ҳаёт машаққатларини аниқ баҳолай оладиган реалистмисиз ёки кўпинча «осмонларда парвоз қилиб юрувчи» ҳаёлпарастмисиз? Қуйидаги синов сўровлари бу муаммони ҳал этишингизга ёрдам беради.

1,2,4,6,7-саволларга ижобий жавоб берганингизда ҳамда 3,5,8,9,10-саволларга жавобингиз салбий бўлса ўзингизга 1 очкодан ёзинг. Умумий очколарингиз миқдорини аниқлаб, унинг натижалари бўйича жавобни газетамизнинг келгуси сешанба сони чиққунча кутинг.

1. Сизга биров тўсатдан савол билан мурожаат этганда беҳосдан чўчиб тушасизми?

2. Сиз ювиниш учун душ тагига турганингизда кийимларингиздан биронтасини ечиб қўйишни унутган вақтингиз сира бўлганми?

3. Бозорга харид қилинадиган нарсалар рўйхатисиз бориб, ҳеч нарсани унутиб қолдирмасликни уддалай оласизми?

4. Кутилмаган қийинчиликлар ишингизни ярим йўлда тўхтатиб қўйиши мумкинми?

5. Кўчада оломон ичида танишларингиздан бирини учратдингиз дейлик. Ҳамиша ҳам Сиз уни биринчи бўлиб таниб, ундан олдинроқ саломлашасизми?

6. Паришонхотирлик туфайли турли рангдаги носкиларни, бегона шляпа ёки куртками кийиб олиб, кулгили ҳолатларга тушган пайтларингиз бўлганми?

7. Сизга берилган саволни бир неча бор такрорлашга тўғри келган ҳолатлар тез-тез бўлиб турадими?

8. Кимлардир эсдан чиқариб қолдирган нарсаларни Сиз топа оласизми?

9. Ишга ёки ўқишга келганингизда ҳамиша ҳам биронта зарур нарсани унутиб қолдирмаганингизга ишонч ҳосил қиласизми?

10. Кутилмаганда Сиздан бугун қайси кун деб сўраб қолишса ҳамиша ҳам тутилмай жавоб беришга тайёрмисиз?

«Фарзандингиз нималарга қодир» синов-сўровлари натижалари бўйича хулосалар:

21-20 очко: Фарзандингиз чинакам топқир экан, ғояларни олға суриш қобилияти бор. Бинобарин, унга бунда кўмаклашиш керак.

19-15 очко: Болада ихтирочилик қобилияти бору, лекин бу фақат у бирон нарсага қизиққан пайтларда муайян ҳолатларда намоён бўлади. Демак, унинг бу борада имкониятлари каттаю, бироқ уни ҳамиша ҳам ишга солавермайди.

14-9 очко: ўз ғояларини талаб қилмайдиган кўпгина йўналишларда боланинг топқирлигини кузатиш мумкин. Уни ижодий қобилиятини ўстирувчи машғулотларга жалб этиш зарур.

8-4 очко: фарзандингиз баъзи-баъзидагина ижодий фикрлашни намоён этиши мумкин. Бунда у фақат ўз мақсадига эришишнигина кўзда тутиб иш кўради.

4 дан кам очко: Бундай болани топқир деб бўлмайди, бироқ ижодий фаолиятдан ташқари ишларда муваффақиятга эришиши мумкин - айниқса ҳунар, ҳатто энг мураккаб ҳунарларни эгаллашда ўзини намоён этиши мумкин.

Тошкент тарихидан

ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ШОҲ КЎЧАСИ

Ўтган асрнинг охирларига қадар эски Тошкент кўчаларининг аксарияти номсиз бўлган.

1893 йилга келиб шаҳар Думасининг махсус қарори билан транспорт юрадиган 17-та кўчага ном берилган эди. Шу тариқа Тошкент харитасида Шайхонтоҳур кўчаси пайдо бўлди, бу ўша пайтларда эски шаҳарнинг шоҳ кўчаси бўлган. У 600 йилдан зиёд вақтдан бери Тошкент асосий бозорини Фарғона водийсига олиб борадиган йўл билан бирлаштириб турган. Сақланиб қолган далилларга кўра, икки километрга чўзилган бу кўчани ўрта асрларда «Тошкўча» деб атаганлар. Унинг кейинги номи Шайхонтоҳур бўлган. Кўчага маҳаллий авлиёлардан бири-шайх Ҳованди ат-Тоҳурнининг (1355 йилда вафот этган) номи берилганлиги тарихий манбалардан маълум. Шайхнинг она томондан авлодлари Ўрта Осиёда маълум ва машҳур бўлган шахс, темурийлар даврининг давлат ва дин арбобларидан бири ° Убайдулло Хожа Аҳрорга (1404 ° 1489 йиллар) бориб тақалади. Бу одам Тошкентдаги муқаддас Шайхонтоҳур диний масканини барпо этиш ташаббускори эди.

Уша пайтларда, яъни XV аср ўрталарида шайх Ҳованди ат-Тоҳур мозори қурилганди. Кейинчалик бу мозор бир неча марта қайтадан қурилиб, ҳозирги қиёфада бизнинг давримизгача етиб келди. Шайхонтоҳур дафн этилган жой — Тош кўчанинг шимолий қисми хусусида қадимдан турли хил афсоналар ва ривоятлар тўқилган. Уларда халқ эпосидан олинган афсонавий қаҳрамонлар, шунингдек, мамлакатимизнинг кўп минг йиллар давомидаги ҳаётига оид тарихий шахслар, чунончи, Искандар Зулқарнайндан тортиб то Шайхонтоҳур хокими Юнус Ҳожига қадар булган машҳур кишилар тимсоли гавдаланади.

Асрлар ўтган сайин мозор атрофи гавжумлашиб, янги ва ҳашаматли бинолар унинг сафига қушила боради. XIX асрда бу ерда 16 та қадимий меъморий ёдгорлик (шундан атиги учтаси сақланиб қолган), 2 та эски ҳовуз, одамлар сажда қиладиган бир нечта муқаддас дарахтлар, кўркам хиёбон мавжуд эди.

1892 йили тошкентлик машҳур бинокор уста Абдураҳим (уста Абдуллонинг угли) шу ерда Шайхонтоҳур бинолар мажмуига кириладиган ҳашаматли ва савлатли чортоқни барпо этади. Бу кўча ҳуснига ҳусн бўлиб тушади.

Чортоқ ёнида Эшонқул додҳо мадрасаси (ҳозир у йўқ бўлиб кетган) қад кўтарган эди. Унинг олд томони Шайхонтоҳур кўчасига қаратилганди. Инқилобдан сўнг бу бинога «Узбекфильм» студияси жойлаштирилгани маълум.

Эски шаҳар шоҳ кўчаси бўйлаб диққатга сазовор бўлган ва ўрта асрларга мансуб бошқа бинолар ҳам саф тортган эди. Шулардан ёлғиз бир бино — Кукалдош мадрасаси бизгача етиб келди. Мадраса XVII асрнинг 60-йилларида Шайбоний султонларидан бири бўлмиш Тошкент ҳокими Дарвиш Муҳаммадхон даврида бунёд этилган бўлиб, 38 нафар талабага мўлжалланган эди. Бу Тошкентдаги энг йирик бинолардан бири саналган. Аммо, осмонўпар «Чорсу» меҳмонхонаси рўпарасида, қадимий шаҳристондаги баланд тепаликда қад кўтарган бу ҳашаматли бинонинг ҳозирги кўринишидан ўтмишдаги Шайхонтоҳур кўчасининг ана шу қисми қандай манзара касб эттанлигини тасаввур қилиш қийин. Гап шундаки, мадраса биноси кейинги ўн йиллар мобайнида жуда хароб аҳволда эди, у XIX асрнинг биринчи ярмида бўлиб ўтган фуқаролар уруши натижасида қаттиқ шикастланган эди. 1868 ва 1886 йиллардаги кучли зилзила туфайли унинг пештоқи қулаб тушганди.

Уша пайтлардаги Шайхонтоҳур кўчасини ҳозирги кенг ва замонавий Алишер Навоий кўчаси билан асло солиштириб бўлмайди. Шу боис бундан ҳатто эллик йил илгариги кўча қиёфасини тасаввур қилиш ҳам қийин.

Шайхонтоҳур кўчасининг Анҳор билан туташган қисми ҳам илгари ўзгача бўлган. Бу ерда Қўқон ҳарбий қалъаси (янги Урда) деворлари бўларди. Қалъа 1808 — 1810 йилларда бунёд этилган. Кўча эса Қўқон дарвозага тақаларди.

Анҳор куприги 1901 йили мустаҳкамланди, чунки эски шаҳарнинг шоҳ кўчаси бўйлаб излар ётқизилиб, «конка» юрадиган бўлди. Орадан 11 йил ўтгач, ана шу излар бўйлаб вокзалдан то эски шаҳар бозорига қадар электр трамвайлари қатнай бошлади. Бу трамвайлар уша пайтда Бельгиянинг, «Тоштрам» жамиятига қарашли эди.

Инқилобдан сўнгги даврларда Тошкент шаҳрининг қиёфаси ўзгарди. Бу ҳол эски шаҳарнинг биз ҳикоя қилаётган қисмида ҳам ўз аксини топди. Дастлаб худди шу ерда Тошкентнинг янги ижтимоий марказини жойлаштириш мўлжалланган эди.

Шайхонтоҳур кўчаси бўйлаб кўпдан-кўп салобатли бинолар қад кўтара бошлади. Вилоят ижроия қўмитаси (ҳозир бу ерда А. Навоий музейи ҳамда Ёш томошабинлар театри жойлашган) «Ватан» кинотеатри (ҳозир Ҳамза номли Давлат академик театри). Анҳор бўйидаги Мутахассислар уйи ва бошқа бинолар шулар жумласидандир. Бу бинолар Шайхонтоҳур кўчасининг янги меъморий услубини белгилаб берди, кўча тўғриланди, кенгайтирилди ва чинакам шоҳ кўча қиёфасига кирди. 30-йилларда унга Файзулла Ҳўжаев номи берилди. Сталин таъқиби алангасида Узбекистоннинг атоқли давлат арбоби ҳалок бўлгач, 1938 йилда кўчанинг номи яна ўзгарди ва унга тўртинчи марта ном қўйилди. Ҳозир бу кўча улуғ узбек шоири Алишер Навоий номи билан аталади.

Тўғри, бу жойдаги ўрта асрларга мансуб кўпгина обидалар шафқатсизлик билан бузиб ташланган. Тошкентликларнинг фахри ҳисобланган ва тарихий аҳамиятга молик қадимий биноларнинг 30-йилларда бузиб ташланганлиги тўғрисида рўзнома ва журналларда босилган аянчли хабарларни уқиган кишининг юрак-багри эзилиб кетади, албатта.

XX асрнинг иккинчи ярмидаи Навоий кўчаси — бу бутунлай бошқа қиёфадаги кўчадир. Алишер Навоий шоҳ кўчасининг қиёфасига бир разм солинг-а. Кўчанинг турли жойларида қанчадан-қанча ажойиб ва ўзига хос муҳташам бинолар саф тортган! Улар адабиёт ва тасвирий санъатга хос ранго-ранг услубларни ўзида уйғунлаштирган.

Кўчанинг Урда қисмига, анҳор устига қурилган кўприкка ва ён-атрофдаги салобатли биноларга назар ташланг! Ойбек ва Шайхзоданинг дилрабо шеърлари дарҳол ёдингизга тушади, С. Абдуллаев, Г. Шевяковнинг манзарали суратлари, А. Ошейко, В. Кайдаловнинг ўймакор санъат асарлари кўз унгингизда намоён булади. Шайхонтоҳур кўчаси қанчадан-қанча санъат арбобларига илҳом берганини айтиш қийин. Бу ерда узбек кинематографияси пайдо булганини ҳам унутмаслик керак.

Навоий шоҳ кўчаси! Бу — театрлар ва нашриётлар, талабалар ва муҳандислар масканининг шоҳ кўчасидир! У XX асрдаги Узбекистон халқининг қадимий тарихи, санъати ва турмушини ўзида яққол акс эттиради. Кўча марказида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг салобатли ҳайкали қад кўтариб турибди. Ундан сал нарида Узбекистон телестудиясининг муҳташам биноси кўзга ташланади. Булар қадимий шеърият санъати билан замонамизнинг энг янги санъати — телекурсатув узаро уйғунлашганидан гуё далолат бераётгандек туюлади.

Навоий ҳайкалига, унинг ёқимли чеҳрасига тикилиб қарайман: бу ажойиб манзарали кўча уз номига қўйилганидан миннатдорчилик билдираётганга ўхшайди у...

Борис ГОЛЕНДЕР.

СУРАТЛАРДА: Шайхонтоҳур мозори ёнидаги кўча қиёфаси, 1909 йил Инқилобдан илгари чиқарилган почта открыткаси; Г Шевяков. «Ўрда 1950 йил қиш фаслида», сурат туш билан ишланган.

Муаллифнинг суратлар мажмуидан.





ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир
Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79. Соцнал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-22. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-58-43. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр- мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
- Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
- Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Тиражи — 27,999. Буюртма Г- 0268. Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди 21.00. Масъул навбатчи: Нодир АЛИМОВ. 1 2 3 4 5 6

Ташкент. № 6.



Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши девонининг меҳнат жамоаси Федерация Кенгашининг ходимаси М.Муллабоевага волидаи муҳтарамалари

Санавар Абдуғаниевна
ҲАБИБУЛЛАЕВАнинг

вафот этганликлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.